БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 225 (4324).
2 ОКТЯБРЬ 1980 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чика бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Тонгги газеталарда

▲ КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 1 октябрь куни Кремлда СССРнинг космонавт учувчиси Ю. В. Романенко билан Куба Республикасининг граждани, тадқиқотчи космонавт Арнальдо Тамайо Мендесга Совет Иттифоқининг юксак мукофотларини топширди.

Мукофотларни топшириш маросимида ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади. Мукофотларни топшириш ҳақидаги батафсил ҳисобот бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

▲ 1980 йил 30 сентябрь Москва вақти билан соат 20 дан 03 минут ўтганда «Прогресс—11» автомат юк транспорт кемеси киши бошқарадиган «Салют—6» —«Союз—37» орбитал комплекси билан туташтирилди. Космик аппаратларни бир-бирига ёндоштириш ва туташтириш жараёнларини орбитал комплекснинг экипажи — Попов ва Рюмин ўртоқлар контроллик қилиб турдилар. «Прогресс—11» автомат юк кемаси «Салют—6» станциясининг агрегат бўлмаси томонида жойлашган туташтирувчи узелга туташтирилди.

ТЕХНИКА УЙИДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Кеча республика Техника уйида матбуот конференцияси бўлиб ўтди. «Илмий-техника жамияти ташкилотларининг шахсий ва коллектив ижодий планлари бўйича инженер-техник ходимлар ва илмий ходимларнинг социалистик мусобақасини ривожлантиришдаги иш тажрибаларини алмашиш»га бағишланган зонал семинари бўйича матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Матбуот конференцияси ишида йирик олимлар, касаба союз ходимлари, халқ хўжалигининг турли соҳалари мутахассислари, шу жумладан, «Узсовпроф» раиси Н. Маҳмудова, «Социалистик мусобақа» журналининг бош редактори, СССР Фанлар академияси ва ВЦСПСнинг социалистик мусобақа проблемалари бўйича илмий Совети раисининг ўринбосари В. Смольков, иқтисод фанлари докторлари Н. М. Шверник, В. В. Киселев, Бутуниттифоқ илмий-техника жамияти раисининг ўринбосари Д. Левчук ва бошқалар қатнашдилар ҳамда доклад қилдилар. Ўзбекистон илмий-техника жамияти ташкилотларининг инженер-техник ходимларнинг ишлаб чиқиш ташаббусини ривожлантириш бўйича илмий Совети раисининг ўринбосари В. Смольков, иқтисод фанлари докторлари Н. М. Шверник, В. В. Киселев, Бутуниттифоқ илмий-техника жамияти раисининг ўринбосари Д. Левчук ва бошқалар қатнашдилар ҳамда доклад қилдилар. Ўзбекистон илмий-техника жамияти ташкилотларининг инженер-техник ходимларнинг ишлаб чиқариш ташаббусини такомиллаштиришнинг ижодий планларини ишлаб чиқиш ҳаракатини ривожлантириш бўйича иш тажрибалари тўғрисида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Т. Рашидов гапириб берди.

Бугун матбуот конференцияси ўз ишини давом этказди.

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ШАХДАМ ОДИМЛАРИ

ГАЗЕТА КОРПУСИ ҚУРИЛИШИДА

«Билимлар уйи» ёнгинасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасининг газета корпуси қурилмоқда. 1979 йилнинг январь ойида бошланган бино қурилишига 6 миллион сўм ажратилган. Қурилиш ишларини Бош бошқармага қарашли 11-«Висотстрой» трести 17-қурилиш бошқармасининг республикада хизмат кўрсатган бинокорлар Жалил Қаюмов, Виктор Луковников ҳамда Николай Егоров бошлиқ комплекс бригадалари олиб бормоқда.

— Шу кунгача,—дейди объект прораби Абдуҳаким Юсупов, — 1 миллион 600 минг сўм маблағ ўзлаштирилди. Август ойида 72 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Сентябрь ойида 110 минг сўмлик иш бажарилди.

Шу кунларда объектда монтаж ва ғишт териш ишлари олиб борилаяпти. Объектда Жалил Қаюмов бошлиқ «Коммунистик меҳнат бригадаси» зербдорларча меҳнат қилмоқда. Бригада сафида 24 қурувчи бор. Қурувчилардан Меливат Алибоев, Али Жумаев, Любовь Варнакова, Владимир Мисюрин ва бошқалар кунлик иш нормаларини 140—160 процентга етказиб адо этмоқдалар.

Жалил ака қурилишда кўп йиллардан бери ишлаб келмоқда, республикада хизмат кўрсатган бинокордир. У «Москва» меҳмонхонаси, «Узгипроавтодор» институти ва бошқа бир қанча бинолар қурилишида тер тўккан. Кўксида Меҳнат Қизил Байроқ ордени, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги юбилей медали, «Мусобақа аълочиси», «Коммунистик меҳнат зарбдори» нишонлари порлаб турибди.

Газета корпуси биносини қурувчилар 1981 йилнинг IV кварталида фойдаланишга топширадилар. Шу кунларда қалби олов бунёдкорлар КПСС XXVI съезди ҳамда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИБ

МУВАФФАҚИЯТЛАР ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛМАЙДИ

МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ КОЛЛЕКТИВИ БУТУНИТТИФОҚ МУСОБАҚАСИ ДА ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧГА ЭРИШДИ.

Марказий универмагнинг коллективи ярим йилликда эришган муваффақиятлари учун СССР Савдо министрлиги ҳамда Давлат савдоси ва матлубот кооперацияси ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди. Куни кеча савдо ходимларига бу юксак мукофотни Ўзбекистон ССР савдо министри М. Х. Ҳасанов тантанали суратда топширди.

Ўзбекистон пойтахтидаги Марказий универмагга келаётган харидорлар кети узилмайди. Бу ерга азиз хамшаҳарларимиз ва Тошкентга меҳмон бўлиб келганлар киришмоқда. Республикамиздаги энг йирик савдо шахобчаларидан бири ҳисобланган бу универмагга ҳар куни 70 минглан ортик ахоли кириб-чикади. Уларнинг кўпчилиги кўнгилларидаги буюмларни харид қилишади. Харидорларнинг кўнгилдаги молларни сотиб олиши ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бу ерда намунали хизмат кўрсатиш билан бирга, харидорлар дилига мос бўлган буюмларни танлашда уларга якиндан ёрдам беришади.

Коллектив бундай ютуқларга эришишнинг сирини нимада? Аввало улар ишга ижодий ёндошишади, хизмат кўрсатишнинг янги усулларидан фойдаланишади, юксак талабчанлик кўрсатишади. Шунисн характерлики, универмагда жуда кўп ёшлар ишлашади, уларга ўз ишини яхши билган мураббийлар устозлик қилишади. Улар янги келган ишчиларга коллективда тутилган барча яхши анъаналарни ўргатишади...

Марказий универсал магазинидаги каноп газлама бўлими энг илғор секциялардан бири ҳисобланади. Бунда бригадир Эътибор Ҳамидхўжаеванинг хизматлари жуда катта. У сотувчиларни харидорлар билан ҳамиша эътиборли, хушмуомалада бўлишга чақиради.

—Хизмат кўрсатишда ҳеч кандай икир-чикир бўлиши мумкин эмас, — дейди Эътибор. — Шунинг учун ҳам сотувчининг ташқи кўриниши, кассани тўғри жойга қўйилганлиги, иш жойининг ҳамиша сариштa-саранжом бўлиши катта аҳамиятга эга. Яна совет савдоси қоидасига қаттиқ риоя қилиш даркор.

Бу секция ишда ҳамиша юқори кўрсаткичларга эришади. Ўтган йилги иш якуни бўйича ана шу секциядагилар СССР Савдо министрлигининг Фахрий Вимпелига сазовор бўлишди. Бу йил ҳам улар олдинги сафда боришга ахд қилиб, КПСС XXVI съездини меҳнатда юксак ютуқлар билан кутиб олишга ахд қилиб, оширилган социалистик мажбуриятлар қабул килди. Бу ташаббус Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан кизғин маъқулланди. Ташаббускорлар меҳнатда барчага намуна бўлишди. Буни тўққиз ой ичида аҳолига план дан ташқари 3.750 минг сўм маҳсулот сотилганидан ҳам билиш мумкин. Ана шундай яхши натижаларга эришишда маданий моллар, хўжалик моллари, тўқимачилик ва трикотаж бўлимлари бошқаларга намуна бўлишди.

—Биз социалистик мусобақанинг таъсирчан бўлиши учун ҳаракат қиламиз, — дейди Марказий универсал магазини маҳаллий комитети раиси Нафиса Тўйчиева Ҳасанова. — Бунда ўзаро мусобақа катта роль ўйнайди. Ишда яхши натижаларга эришганлар Ҳурмат китобига ёзилади. Ҳозир коллективимизда-ги 18 илғор ишчи ана шу китобга ёзилган. Шулар ичида трикотаж бўлимининг катта сотувчиси Ранса Абдуллаева ҳам бор. У харидорларга эътиборли ва ҳамиша хушмуомалада бўлиши билан ажралиб туради. Бундай сотувчиларга яна секция мудири Г. Абдазов ва катта сотувчи Н. Абдувалиевларни кўрсатиш мумкин. Улар партиямиз съездини мукосиб кутиб олишда социалистик мусобақанинг машъаллари ҳисобланишади.

Бу йил Марказий универсал магазинига намунали-кўргазмали корхона номи берилди. Коллектив бу юксак номга республикамизда биринчи бўлиб эришди. Ана шундай ютукка ишга коммунистчасина ёндошиш туфайли эришилди.

Янгилик, изланиш давом этмоқда. Ҳозир биринчи узлуксиз текшириш комсомол-ёшлар бригадаси ташкил этилди. Уларнинг мақсади нимада? Тошкентликларга намунали хизмат кўрсатишни савдо ходимлари корхона ишчилари билан биргаликда олиб боришади. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги тикувчилик бирлашмасидаги бригада ва Марказий универмаг хизматчилари қўлни-қўлга бериб ишлашмоқда. Бири маҳсулотни сифатли қилиб ишлаб чиқарса, иккинчиси намунали савдо хизматини кўрсатмоқда.

Марказий универсал магазини коллективи харидорларга ҳамиша намунали хизмат кўрсатиш йўлида тинмай изланмоқда.

А. ҲАТАМОВ.

ТЕЗКОРЛИК БИЛАН

Пойтахтимизнинг «Мирказ-26» кварталида иккита беш қаватли турар жой биноси қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Бу ерда иш олиб бораётган Тошкент қурилиши Бош бошқармасига қарашли Уй-жой қурилиш трестининг 40-бошқармаси, «Ташмосстрой» ва монтаж бошқармаларининг коллективлари замонавий меъморчилигининг сўнгги ютуқлари асосида лойиҳаланган ушбу биноларда қурилиш ишларини тезкорлик билан олиб боришяпти.

Бу биноларнинг хоналари кенг ва қулай бўлиб, ромлари ойналанган бўлади.

Бошқарма коллективлари «Шодлик» турар жой микрорайонида ҳам ана шундай янги типдаги уй-жой биноларини тез, кўрлик билан қуришяпти. Қурилиш ишларини оқилона ташкил этиш, иш вақтидан самарали фойдаланиш, бинокорларнинг материалларини тежаш бўйича амалга оширилган ишлар объектда бунёдкорлик ишларини жадаллатиш имконини берди. «КПСС XXVI съездига — 26 зарбдор ҳафта» ташаббусини қўшилган бу бригадаларнинг коллективлари «Мирказ-26» ва «Шодлик» микрорайонларидаги янги турар жой биноларини Улуғ Октябрь 63 йиллиги байрамига қадар фойдаланишга топширишга ахд қилишган.

Ок олтин хирмонига

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ТЎРТИНЧИ МИЛЛИОН ТОННА ҲИСОБИГА ПАХТА ТЕРИЛМОҚДА. 30 СЕНТЯБРЬ КУНИ 199.601 ТОННА ДУРДОНА ТЕРИБ ОЛИНДИ. МАВСУМ БОШИДАН БУЁН ЭСА 3.119.739 ТОННА ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ. МАШИНАЛАР БИЛАН 1.433.716 ТОННА ХОМ АШЁ САРАНЖОМ-САРИШТА ҚИЛИНДИ.

Йиғим-терим суръатида ўтган куни 5,46 процент миқдорида пахта тайёрлаган Сирдарё, 4,87 процент миқдорида пахта тайёрлаган Жиззах, 4,15 процент миқдорида пахта тайёрлаган Тошкент областларининг саршунослари пешқадамлик қилишмоқда.

1 октябргача планни Тошкент области 82,32, Бухоро области 68,54, Қашқадарё области 65,00, Сурхондарё области 61,73 процент бажардилар.

Бўка районининг пахтакорлари пойтахт областида биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш планини муддатидан илгари — 1 октябрь куни бажардилар. Тайёрлов пунктларига 65 минг тонна пахта етказиб берилди. Район пахтакорлари партия XXVI съездини кутиб ола туриб, бу йил давлатга сотиладиган пахта миқдорини 85 минг тоннага етказишга қарор қилдилар.

Телеминора кўкка бўй чўзмоқда

Фоторепортаж





Республикамиз пойтахтининг зарбдор қурилиш объекти ҳисобланган телерадио-минора қурилишининг муҳим босқичи ишлари жадал амалга оширилаяпти. «Спецстальконструкция» трестининг 26-монтаж бошқармаси ва ўнлаб ёрдамчи пудратчи қурилиш ташкилотлари ҳамкорликда иш олиб бораётган 350 метрлик миноранинг 120 метрдан ортиқ асосий таянчи қуриб бўлинди. Шунинг учун ҳам эндиликда телеминораннинг ҳар бири 84,5 метрни ташкил этувчи ўзига хос «оёқлари»ни ўрнатишга киритилди. Бу «оёқлар»нинг ҳар бири 450 тонна оғирликда бўлиб, у мустаҳкам пойдеворга маҳкамланади.

Яқинда улкан телеминорачнинг асосий таянчи ҳисобланган уччала «оёқ»нинг иккитаси ўрнатиб бўлинди. Унинг ҳар бири тўртта қудратли кўтаргичлар ёрдамида 84,5 метр баландликка монтаж қилинди. Бу билан монтажчилар минора қурилишидаги энг мураккаб ва масъулиятли иш босқичини муваффақият билан бажаришди. Эндиликда охирги «оёқ»ни монтаж қилишга тайёргарлик кўрилаяпти. Шундан сўнг телеминора қурилишининг янада зарбдор иш босқичига кириширилади.

Эндиликда пайвандлаш ишлари 100 метрдан юқоридаги баландликда 350-метрга томон кўтарилиб боради. Шунинг учун ҳам қурувчилар телеминора қурилишида ҳозиргача тўплаган бой тажрибаларидан омилкорлик билан фойдаланиб, ўз маҳоратларини кўрсатадилар. Албатта юқорида кўп тонналик металл конструкцияларни бир-бирига пайванд қилиш осон эмас. Бунинг учун ҳар бир қурувчи катта маҳоратни эгаллабгина қолмай, жасорат кўрсатиб ишлаши ҳам тақозо этилади.

— Барча монтажчиларимизда ана шундай жасорат етарли, — дейди «Спецстальконструкция» трести 26-монтаж бошқармасининг бош инженери Р. А. Кузиков. — Улар ўзларига ишониб топширилган масъулиятли вазифани шараф билан уддалайдилар.

...Бўсағов каналининг шундайгина ўнг соҳилида, Энгельс кўчаси ва Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг территорияси туташган жойда барпо этилаётган телевидение ва радио эшиттиришларини узатувчи улкан антенналар ўрнатиладиган минора бутун бир комплекс шаклида барпо этилаяпти. «Спецстальконструкция» трестининг бир группа монтажчилари минорани асосий объектини қуришаётган бўлса, бошқа бунёдкорлар бўлинмаси эса минорани замидан бошланган қисмида уч қаватли объект қурилишини олиб боришаяпти. Бу ерда маъмурий бино ва ноёб техника ускуналари жойлашади. Келгусида ана шу комплекснинг атрофи ободонлаштирилиб, аҳоли ҳордиқ чиқарадиган жойга айлантирилади ва у шаҳримизга ажойиб гўзаллик бағишлайди.

СУРАТЛАРДА: телеминорани 450 тонналик таянч «оёқ»ларини ўрнатишга ҳозирлик кўрилаяпти; 4 та қудратли кўтаргичлар 84,5 метр баландликка асосий таянчни кўтармоқда; радио телевидение объектлари қурилиши бўйича дирекция бошлиғи В. А. Сосни, монтажчилар бригадаси бошлиғи Б. В. Соболев, бригада бошлиғи В. И. Севостьянов, участка бош инженери Б. К. Янченко, «Спецстальконструкция» трести 26-монтаж бошқармасининг бош инженери В. А. Кузиковлар.

А. Жданов фотолари.

ФЕСТИВАЛНИНГ ЯКУНЛОВЧИ ТАРОНАСИ

КПСС XXVI съездига бағишлаб Ўзбекистонда ўтказилган совет музикаси Бутуниттифоқ фестивали кунларида барча қардош республикалар композиторларининг ўнинчи беш йиллик мобайнида яратилган энг яхши асарлари, классик асарлар янгради. «Ленин партиясига шоншарафлар» шиори остида ўтган бу санъат байрами Коммунистик партияга, халққа, республикаларнинг бузилмас бирлигига, янги жамият қурувчиси — совет кишисининг гўзаллигига, унинг қаҳрамонона зафарларига аталган ўзига хос мадҳия бўлди. Ўзбекистоннинг юз минглаб меҳнаткашлари Москва, Ленинграддан, мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан келган етакчи ижодий коллективлар, композиторлар ва ижрочилар билан учрашдилар.

Кўп миллатли санъат ютуқларининг завқли кўриги 1 октябрда Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР давлат академик Катта театрида тантанали кеча билан ниҳоясига етди. Кечада айтиб ўтилдики, икки ярим мингга яқин киши қатнашиб, тингловчиларни иккн юздан ортиқ совет композиторларининг асарлари билан таништирган фестиваль совет музика маданиятининг ривожланиш тарихига янги бир ажойиб саҳифа битди, Советлар мамлакати халқлари дўстлиги ва қардошлигининг ёркин байрамига айланиб кетди. Тантанали кечада республика, партия ва совет органларининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Театрда бўлган концерт байрамнинг якунловчи тароналари бўлди.

(ЎзТАГ).

Вагонлар бир минут ҳам бекор турмасин

ЧИЛОНЗОРЛИКЛАР, ИЛДАМРОҚ БЎЛИНГ!

Тошкент темир йўл станциясига Сибирь картошкасини келтириш давом этяпти. Бугунги кунда Келес станцияси тирбанд бўлиб кетди, дейиш мумкин. 29 сентябрдан бери бу ерда Чилонзор улгуржи-чакана савдо идорасига аталган картошкани ортган 72 вагон бўшатилмай ётибди.

Бу тайёрлаш-савдо ташкилотининг раҳбарлари муҳим халқ хўжалик ишида ўта уюшқоқсизлик, айни пайтда масъулиятсизлик кўрсатишяпти.

Ленин улгуржи-чакана савдо идораси, Куйбишев райпишчеторги, 2, 3-мева-сабзавот комбинатлари картошкани тушириб олишга шошишмаяпти. Уларнинг айби қишлоқ хўжалик маҳсулотининг узоқ туриб қолиши номақбул иш эканлигини ҳамма билади. Ҳар йили картошкани ортиш-тушириш пайтида талайгина картошкани йўқотамиз: у чириб, ишдан чиқади. Шундай бўлса ҳам бу аҳволдан етарли хулоса чиқарилмайди.

Вагонларга келганда эса улар мунтазам ҳаракатда, йўлда бўлиши керак. Уларнинг станцияларда узоқ вақт туриб қолиши темир йўл транспорти ишига салбий таъсир этади.

Баҳорда шаҳар штаби вагонларни бўшатиш бўйича шаҳардаги аҳволни бирмунча яхшилашга муваффақ бўлганди. Мана, яна транспорт интизоми қўпол равишда бузиляпти. Бир неча кундирки, Тошкент юк-товар станциясида 2-дон маҳсулотлари комбинати учун дон олиб келган 13 вагон, Қизил тўқимачи станциясида тажрибамеханика заводи учун юк олиб келган икки вагон, Салор станциясида ҳимбаза учун сода олиб келган вагон, Сергели станциясида «Узбекпроектмебель» учун сим олиб келган икки вагон, «Средазэлектроаппарат» бирлашмаси учун цемент олиб келган бир вагон, Келес станциясида «Узсвязстрой» бошқармаси учун плита олиб келган бир вагон юк эгаларини кутиб ётибди Химбаза юк туширишни жуда секинлик билан амалга оширмоқда. «Узсвязремстрой» раҳбарлари штаб йиғилишига келишмаяпти, вагонлар бўшатиш бўйича тадбирлар белгилашмаяпти. «Средазэлектроаппарат» бирлашмаси директори В. Фетисов матбуот танқидини назар-писанд қилмаяпти. Корхона вагонларни ўз вақтида бўшатмаётганлиги кўп мартелаб таъкидланишига қарамасдан, аҳвол ўзгармаяпти.

МОНТАЖ БОШЛАНДИ

БУГУН

«Главташкентстрой» 159-трести 8-бошқармасининг Ҳ. Равшанов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси янги 2 каватли болалар боғчаси монтажини бошлаб юборди. 360 кичкинтойга мўлжалланган бу боғча шаҳримизнинг Тракторчилар массивида қурилмоқда.

М. ФЕЛЬДМАН.

• *Шарҳчи сатрлари*

ЗЎР АҲАМИЯТГА МОЛИК АНЖУМАН

Жаҳоншумул тинчлик ҳаракати ўз ривожининг янги, янада етук босқичига қадам қўйди. Ҳақконий иш учун курашчиларнинг кўп миллионли армияси тинчлик учун курашнинг жанговар ҳужумкор программасига эга бўлиб қолди. Софияда бўлиб ўтган халқларнинг Жаҳон тинчлик анжуманида қабул қилинган барча сиёсий ва давлат арбобларига, ҳукуматлар ва халқларга хитобномада, дунёнинг 137 мамлакатидан шу анжуманда қатнашган жамоатчилик вакилларининг тинчлик хартиясида бу программа баён этиб берилди. Шу ҳужжатларда тинчлик учун курашчиларнинг ҳозирги босқичдаги асосий вазифалари ва ҳаракат йўналишлари баён этилди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг табрикномаси халқлар Жаҳон тинчлик парламентининг ишидаги шонли воқеа бўлди. Ўртоқ Л. И. Брежнев мана шундай оташин сўзлар билан мурожаат қилди: «Азиз дўстлар, сизларнинг куч-ғайратларингиз инсониятнинг порлоқ орзуси тезрок оўёбга чиқишига—ер юзида мустаҳкам тинчлик қарор топишига хизмат қилишга тилакдошман». Бу тилак жанговар шиорга айланиб, парламентнинг иши мана шу шиор руҳида ўтди.

Анжуманда Совет делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев нутқ сўзлади.

София парламентининг якунлари кескинликни юмшатишни кандай қилиб бўлмасин сақлаб қолиш, халқлар ва давлатлар ўртасида тинч ҳамкорликни ривожлантириш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш зарурлиги ғоялари халқларнинг онгига нақадар чуқур сингиб кетганини кўрсатди. Учрашув қатнашчилари АҚШ ва унинг НАТОдаги энг яқин иттифоқчилари қилаётган авантюрачилик ҳаракатлари натижасида жаҳон узра пайдо бўлган хавф-хатардан чуқур ташвиш изҳор этдилар. Улар АҚШ президенти эълон қилган ва ядро урушидан «маҳаллий можароларда» фойдаланишни ва ҳатто «биринчи бўлиб зарба уришни» оқлайдиган «59-директива»ни қораладилар.

Шу боисдан ҳам парламент делегатлари ва меҳмонлари Совет Иттифокининг ўртача оилисликка учадиган ракета-ядро қуроли масаласи хусусидаги музокараларни Американинг олдинги марралардаги ядровий воситалари масаласи билан айни бир вақтда ва узвий боғлиқ равишда дарҳол бошлаш тўғрисидаги таклифларини қўллаб-қувватлашларини бир қанча ҳужжатларга ёзиб қўйдилар.

Дунё халқлари парламентининг аҳамияти жуда катта. 2200 дан ортиқ делегат ва меҳмон — турли сиёсий маслакдаги кишилар тинчлик муддаоси билан бирлашдилар. Улар кескинликни юмшатиш учун, қуролланиш пойгасига қарши, кучайиб бораётган уруш хавфига қарши, бутун ер курраси даги халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги учун оммавий ҳаракатни авж олдириш ахди билан ўз мамлакатларига жўнаб кетдилар.

М. ЯКОВЛЕВ,
ТАСС шарҳловчиси.

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ ЗАРБДОР ВАХТАДА

Октябрь районининг саноат корхоналари ишчилари, қурувчилари ва монтажчилари, барча меҳнат коллективлари КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли ҳаётга татбиқ этяптилар.

Унинчи беш йиллик мобайнида айниқса район индустрияси ходимлари олдинга томон салмоқли қадам қўйдилар. Шу йил май ойида саноат ишлаб чиқариш суръатини ўстириш бўйича беш йиллик топшириқ бажарилди. У пландаги 23,6 процент ўрнига 29,3 процент юксалди. 1976 йилнинг ёзидан бери 35 миллион сўмликдан ортиқ турли-туман маҳсулотлар реализация қилинди. Бунда маҳсулот ишлаб чиқариш ўсишининг 94,5 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш орқали эришилди.

Белгиланган топшириқларни районнинг қурилиш-монтаж ташкилотлари ҳам муваффақиятли адо этишяпти. Улар 197—80 йиллар мобайнида 380 минг квадрат метр турар жой майдонини қуриб битказишди, капитал маблағлар ҳажми беш йиллик мобайнида 269 миллион сўмни ташкил этди.

Экономика ва халқ хўжалигининг ривожланишига олимлар, конструкторлар, лойиҳачилар, барча мутахассислар, хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг қўшаётган ҳиссаси салмоқли.

КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарорини район меҳнаткашлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилаш учун курашнинг жанговар ҳаракат программаси сифатида қабул қилдилар. Барча меҳнат коллективлари «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз!», «Беш йилликка—зарбдор якун!», «Самарали, қолоқларсиз ишлайлик!» шиорлари остида зарбдор вахтада туришди.

«Средазэнергоцветмет», тикувчилик бирлашмаси, «Малика» трикотаж бирлашмаси, бадиий буюмлар фабрикаси, 159-қурилиш трести, «Ташинжстрой» трести ва бошқа коллективлар съезд шарафига оширилган мажбуриятлар қабул қилишди. Натижада планга қўшимча ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотиҳажми белгиланган 4,5 миллион сўмнинг ўрнига 5 миллион сўмликни ташкил этди. Район индустрияси йллн маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича беш йиллик топшириқни СССР Конституцияси кунида—1980 йил 7 октябрда бажаради.

Жойларда ишлаб чиқариш резервларидан қандай фойдаланилаётгани, илғорлар тажрибаси ва съездолди социалистик мусобақасида туғилган қимматли ташаббуслар ҳақида бугун мусобақа илғорлари ҳикоя қилишади.

Шаҳар ижроия комитети қошидаги умумий овқатланиш ва савдо тармоқларн қуриш бошқармаси қурувчиларни пойтахтимизда умумий овқатланиш тармоқлари қурилишини ненг кўламда олиб бормоқдалар.

∴ ∴ ∴

СУРАТДА: ошхона, кафе каби объектлар қурилишида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётган илғор электр пайвандчи Б. Дьячков, сантехник В. Постнов, монтажчи В. Минтеев ва прораб В. Бадерларни кўриб турибсиз.

ҲАМ СУРЪАТ, ҲАМ СИФАТ

Рашида ШАРОФУТДИНОВА,
бадиий буюмлар фабрикаси попон цехининг каштачилар бригадаси бошлиғи.

— Ҳар куни эрталаб биз цехда бир-биримизни табассум билан қаршилаймиз. Ишлаб чиқаришга биз қувонч билан борамиз, бу ерда бизни қизиқарли иш кутади: бизнинг бригадамиз миллий буюмлар: сўзана, чойшаб, кирпеч, зардевол, гулкўрпа тикади. Бу буюмларнинг кўпчилигида давлат Сифат белгиси бор. Бу демак, улар стандартга тўла жавоб беради. Шундай бўлса ҳам 14 каштачидан ҳар бири гулга ўзидан нимадир қўшади, янгилик киритади. Бу шунчаки мумкинигина эмас, балки зарурдир. Бизнинг ишимиз худди санъаткорларники сингари ижодий иш. Биз ип ва игна билан газламага турли-туман гуллар туширамиз.

Қисқаси, чеварларимиз ўз касбларини севишади, унга меҳр-муҳаббат билан ижодий ёндошади. Бизнинг буюмларимиз уйимизга қувонч бахш этади, турмушимизни чиройли қилади. Бу буюмлар шунинг учун фақат Ўзбекистонда эмас, балки қардош республикаларда ҳам жуда харидгир, улар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси залларидан бирини безаб турибди, чет элларга ҳам экспорт қилинган.

Бир сменада мен одатда, камида икки норма бажараман, асосий буюмларни фахрли белги билан тайёрлайман. Бунга қандай муваффақ бўламан? Албатта, тажриба, иш жойини тўғри ташкил этиш, вақтдан унумли фойдаланиш, йиллар мобайнида юзага келган маҳорат туфайли. Ахир, мен бу ерда 28 йилдан бери меҳнат қиламан-да.

Бошқа чеварларимиз ҳам, жумладан, ёшлардан Сабоҳат Тоҳирова, Такия Ботирова, Зуҳра Хасанхўжаева юксак кўрсаткичларга эришишди. Ветеранлар ва ёшлар—ягона коллектив. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, ўз маҳоратини оширишга, ипакларни танлаш ва гўзал гуллар ҳосил қилиш санъатини эгаллашга ҳаракат қилишади.

Коллективимиз олдинда тўрган ишлаб чиқариш топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун қураш олиб боради. Мастура Мирзаахмедова бошлиқ бригада билан мусобақа бошлади. Бу демак, меҳнат белгашувида ғолиб чиқиш учун ёшларга кўпроқ эътибор бериш, иш мобайнида касб маҳоратимизни ошириб боришимиз зарур.

Ишлаб чиқаришдаги бутун фаолиятим мобайнида мен юздан ортиқ каштачига касб ўргатдим. Улардан бирқанчаси тажрибали мастерлар меҳнат илғорларидир. Булар ҳозир комсомол-ёшлар бригадасига бошчилик қилаётган Зайтуна Баратохунова, Муаззам Юнусова ва бошқалардир.

Қисқаси, бутун коллективимиз коммунистик меҳнат коллективи номини оқлашга интилиб, ижодий меҳнат қиляпти, қадимий ҳунарни янги, юқори босқичга кўтаряпти.

Барча ходимлар оширган съездолди мажбуриятларни қабул қилишди. Беш йиллик планда 482,2 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Аслида 1976—80 йилларда 976 минг сўмликдан ортиқ кенг истеъмол буюмлари тайёрланди. Эндиликда бу кўрсаткич йнада ортади, бригадамиз ҳозир 1984 йилнинг октябрь ойи ҳисобига меҳнат қиляпти.

Мен эса шу кунларда ўн иккинчи беш йиллик—1986 йилнинг февраль ойи ҳисобига меҳнат қиляпман. Коммунистларнинг Бутуниттифоқ анжуманига қадар янги йилнинг биринчи кварталн планини бажараман. Корхонамизда бошқа меҳнат илғорлари ҳам шундай мажбуриятлар олишди.

ЯНГИ ТЕХНИКАГА ТАЯНИБ

Хабиба МАХАМАТШИКОВА,
«Матбуот» бирлашмаси полиграфия комбинатининг ишлаб чиқариш мастери.

—Бирлашма коллективи Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкаси «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди. Яқинда бош корхона полиграфчиларига СССР нашриётлар Давлат комитети ва матбаиият касаба союзининг кўчма Қизил байроғи берилди. Коллектив Иттифоқдаги турдош полиграфия корхоналари ўртасидаги иккинчи кварталдаги мусобақада ғолиб чиққани учун шу шарафга муяссар бўлди. Бу муваффақият остида Улуг Октябрнинг 63 йиллиги ва КПСС XXVI съезди шарафига зарбдор вахтада турган коллективнинг зарбдор ва ғайрат билан қилган меҳнати ётибди.

Биз китоблар чоп этамиз. Жумладан, В. И. Ленин асарларининг тўла асарлар тўпламини ўзбек тилида босиб чиқараяпмиз. 20 октябрда — муддатидан икки ойдан кўпроқ аввал Ильич асарларининг 55-томини босиб чиқарамиз.

Потокда Ўзбек Совет Энциклопедияси, умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ҳам бор. Бизнинг бурчимиз бу адабиётларни қисқа муддатда, юксак техник ижрода чиқаришдан иборат. Чунки бу адабиётлар совет қишиларининг бир неча авлодига хизмат қилади.

Шунинг учун ҳам меҳнат унумдорлигини ошириш билан бир қаторда, маҳсулот сифатини яхшилашга алоҳида эътибор бериляпти. Бунга эса янги ускуналарни ва технологияни жорий этиш, ишнинг илғор методларини, қимматли ташаббусларни кенг ёйиш орқали эришиляпти.

Бирлашманинг бошқа участкалари ва бўлинмаларида ҳам меҳнат зарбдорона ташкил этилган. Натижада фақат етти ой мобайнида планга қўшимча қарийб 100 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, фойда эса 288 минг сўмга ўсди.

Офсет босма фабрикасида китоб ишлаб чиқарадиган яна бир поток линияни ўзлаштириш давом этяпти. Бу ерда фотонаборни ўзлаштириш давом этяпти. Бу келгусида иссиқ қўрғошинли усулда набор қилиш методи каби жараёндан воз кечиш имконини беради.

Фотополимерли формада китоб ишлаб чиқаришни ўзлаштириш тугалланаяпти.

Янги техникага таяниш, меҳнатни аниқ ташкил этиш энг юксак сўнгги натижаларга эришиш учун меҳнат беллашувини авж олдириш полиграфчиларга мусобақада янги чўққиларни эгаллаш имконини беради.

Съездолди мажбуриятлари қуйидагича: етти цех, икки участка, етти мингга яқин ишчи 7 ноябрга қадар йиллик планни бажаради. Т. Сайфуллина бригадаси эса 1981 йилнинг биринчи квартали топшириғини 23 февралга қадар адо этади.

САМАРАДОРЛИК ЙЎЛИДАН

Виктор ПЕТРОВ,
159-қурилиш трести 9-қурилиш бошқармасининг комплекс бригадаси бошлиғи.

—1 сентябрдан мен Оқлон кўчасидаги янги мактабда биринчи ўқув йилининг бошланишига бағишланган тантанали линейкада қатнашдим. Болаларни дарсга чорлаган қўнғироқнинг ёқимли товушини эшитдим. Бу биринчи қўнғироқ эди... Ўқувчиларнинг биринчи дарси ана шундай бошланди.

Бригадамиз аъзолари тантанали вазиятда мактабнинг рамзий калитини топширишади. Линейкага биз қурувчилар меҳмон бўлиб келгандик. Бу типовой мактаб биносини болаларга биз совға қилдик.

Бу ерда ғиштчилар Раиля Нигматзянова, дурадгор Табриз Нигматманов, монтажчи Геннадий Асволоткин, бетончи Галина Евдокимова, шунингдек ҳамкасбларимиз—53-қурилиш бошқармасининг пардозчилари Т. Сумелидис, А. Эрданов ва бошқалар зарбдорона меҳнат қилиб, юксак меҳнат унумдорлигига эришдилар.

Мана, биз эндиликда Марказ—26 микрорайонида 1156 ўқувчига мўлжалланган янги типовой мактабни қуришга киришаяпмиз. Барча ишларни юксак унумли ва сифатли бажариш мажбуриятини олганмиз.

Қурилиш бошқармасининг бошқа коллективлари, жумладан, Ринат Гайнуллин бошлиқ монтажчилар бригадаси съездолди вахтасини зарбдорона ўтказишяпти. Бу коллектив В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги арафасида икки беш йиллик планни бажарнб, 1.642 минг сўмлик ҳажмда иш бажарди. Бу 1976 —80-йиллар планида белгиланганидан икки баравар кўпдир. Ҳозир бу коллектив Олмазор массивида 15/3 турар жой массивини, шунингдек, ўт ўчириш депосини қураяпти. Ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига 150 минг сўмликдан кўпроқ иш бажарнб қўйди.

Бу ерда мусобақада монтажчилар Н. Акимшев, пайвандчилар Н. Тухватуллин, В. Закиев ва бошқалар нормаларини муntазам икки баравар ошириб бажариб, намуна бўлишаяпти.

Резервлар эса ҳали бор. Бу съездолди мажбуриятларига асос бўлди. Р. Гайнуллин бригадаси 1981 йилда меҳнат унумдорлигини 5 процент оширишга қарор қилди.

Бизда бир талай ҳал этилмаган масалалар ҳам бор. Бригадамиз Оқлон кўчасидаги 1568 ўринли мактабни белгиланган муддатидан анча аввал топшириши мумкин эди. Биз уни тезкор усулда, бригада пудрати методида қуришни планлаштиргандик. Лекин ишнинг бошидаёқ бу илғор усулдан воз кечишга тўғри келди—таъминотчилар панд беришди. Улар йиғма темир-бетон конструкцияларини ва деталларни вақтида етказиб бериша олмади. Бнога маълум технологиядаги ва типдаги, размердаги панеллар ўрнига катта форматдаги буюмларни олиб келишди. Нима қилиш керак? Уларни қирқишга тўғри келди. Қанчадан қанча ортиқча меҳнат сарфига йўл қўйилди.

Биз шундай ҳисоблаймиз: байрамни муносиб кутиб олиш учун асосий эътиборни ҳал этилмаган масалаларга қаратиш лозим. Улардан қочиб қутулолмайсан, ҳал этиш лозим. Ана шундагина юксак унумли меҳнатни таъминлаб, белгиланган топшириқни ортиғи билан адо этиш мумкин.

Ушбу подборкани Октябрь район партия комитети бўлим мудири А. МИРҚОСИМОВ ва «Тошкент оқшоми» мухбири М. САВЕЛЬЕВ тайёрладилар.

Республика бўйлаб

Арнасой районидаги қўриқ 23-совхозда айни бир вақтда 400 бош қорамолни боқиш учун мўлжалланган сут-товар комплекси фойдаланиш учун топширилди. Бу ерда барча ишлаб чиқариш жараёнлари—сут соғиш, биноларнинг ичини тозалаш, озуқа тарқатиш ишлари механизациялаштирилган. Бу эса ҳар бир центнер сут етиштириш учун бўладиган меҳнат сарфини анча камайтириш имконини беради. «Главсредазирсов х о з строй» бўлинмалари йил бошидан буён бешта ана шундай сут фабрикасини фойдаланиш учун топширдилар.

∴ ∴ ∴

Термиздаги субтропик экинлар хўжаликлараро теплица комплексида лимонзорнинг иккинчи навбати барпо этила бошланди. Устн полиэтилен билан қопланган траншеялар Каттақум даштида ўзлаштирилган ўн гектардан кўпроқ майдонни эгаллайди. Айни вақтда бу ерда гулхона бунёд этилмоқда. Бу ерда цитрус экинларидан ташқари гуллар ҳам етиштирилади. Комплексни ташкил этиш ишлари келгуси беш йилликда ҳам давом эттирилади. Майдони 100 гектар келадиган бу комплекс Ўрта Осиёда энг йирик комплекс бўлади.

∴ ∴ ∴

Самарқанд область матлубот союзи автомагазинларининг товар оборотн бир ярим баравар кўпайди. Бунга эса омборларни марказлаштириш туфайли эришилди. Энди автодўконларнинг сотувчилари молларни район матлубот жамиятининг майда омборларидан эмас, балки Самарқанд улгуржи савдо базасидан оладилар. Бу ерда махсус омбор ташкил этилган бўлиб, энг зарур бўлган 60 хилдан кўп моллар танлаб қўйилган. Пештахталарда қадоқланган моллар ҳам пайдо бўлди.

∴ ∴ ∴

«Нанай» совхозидан Асанали Душанаев 80 та асалари уясининг ҳар биридан 25 килограммдан асал олди. Бу эса Наманган областида энг юқори кўрсаткичдир. Умуман совхознинг асал берадиган цехи ҳам бу йил тўла қуват билан ишламоқда. Ҳозиргача савдо тармоқларига 13 тонна маҳсулот жўнатилди. Бу эса планда белгиланганидан анча кўпдир.

ИЛЬИЧ ВАСИЯТЛАРИГА САДОҚАТ

В. И. ЛЕНИННИНГ КОМСОМОЛ III СЪЕЗДИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

В. И. Ленининг комсомол III съездида сўзлаган нутқи Коммунистик партиямизнинг ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш борасида муҳим назарий ҳужжат бўлиб қолди.

Доҳий ўзининг бу тарихий нутқида жамиятни революцион тарзда қайта ўзгартиришда билим ва ўқишнинг ролини очиб бериш билангина чегараланиб қолмасдан, балки комсомол ва умуман совет ёшларини бошқа муҳим масала—коммунистик жамият қуриш учун инмани ўрганиш керак, қандай ўрганиш керак, деган назарий ва амалий проблемаларни атрофлича, комплекс ўрганишга даъват этди, доҳий бу вазифани ижобий ҳал этиш йўлларини кўрсатиб берди.

В. И. Ленин коммунизмни ўрганиш борасида гапирар экан, унда таълим, таҳсил ва тарбиянинг кундалик ҳаёт билан, социал воқеалик, социалистик жамият қуриш вазифалари, ҳар тарафлама иш билан боғлаб олиб борилмоғи лозимлигини алоҳида уқтириб ўтди.

В. И. Ленин коммунистик жамият қуриш ҳусусида назария билан практика ўртасида узвий боғлиқликка катта эътибор берди ва буржуа жамиятидаги иллатлардан бири — назария билан практика ўртасидаги узилишни капитализмнинг энг разил хусусияти деб кўрсатди.

В. И. Ленин РКСМ III съездида сўзлаган нутқида эски мактабдаги таълим-тарбияга характеристика берар экан, унинг «қуруқ таълим мактаби, қуруқ интизом мактаби, қуруқ ёқлаш мактаби» эканлигини кўрсатиб ўтди.

Тарих пролетар маданияти тўғрисидаги ленинча концепсиянинг нақадар тўғри ва ҳаётбахш эканлигини тасдиқлади. Бугунги кунда Абу Али ибн Сино, Рудакий, Беруний, Ал Хоразмий, Алишер Навоий, Шота Руставели, Низомий Ганжавий, Пушкин, Лермонтов, Лев Толстой, Тарас Шевченко ва бошқа кўплнна мутафаккирларнинг илму-фан ва адабиёт соҳасидаги мерослари жаҳон халқлари маданий мероси хазинасига қўшилиб бебаҳо дурдона бўлиб қолди.

В. И. Ленин коммунистик ёшларининг вазифаларини ойдин белгилаб берди. Доҳийнинг бундан 60 йил муқаддам Коммунистик ёшлар союзи олдига қўйган вазифалари биргина совет ёшлари учун эмас, балки ҳозирги кунда бутун социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ёшлари учун ҳам ҳаракат программаси бўлиб хизмат қилмоқда. Доҳийнинг ҳозирги замон ёшларини тарбиялаш, ўқитиш ва уларга таълим бериш ишларининг ҳаммаси уларни коммунистик ахлоқли қилиб тарбиялашдан иборат бўлсин, деган кўрсатмаси — совет мактабида таълим-тарбия ишларини ташкил этиш ва бошқаришнинг асоси бўлиб қолди.

Мамлакат учун оғир бўлган ўша пайтда делегатлар ўзларининг съездига қўлларида милтиқ билан, шинелларда тўппа-тўғри граждалар урушидан, уруш харобага айлантирган завод ва шаҳарлардан янги дунё қуриш, ўз орзулари ва режаларини амалга ошириш ништиёқи билан тўлиб-тошган ҳолда келган эдилар. Шу куни Ленин ёшлар олдига асосий, бош вазифа қилиб, коммунизмни ўрганиш вазифасини қўйди. У ёшларни буюк мақсад —коммунизм қурилишига ўзларининг бутун кучини, билимини, кўл ва юрак ҳароратини астойдил, чин дилдан сарфлашга чақирди. Шундан буён В. И. Ленининг «Ёшлар союзларининг вазифалари» нутқи комсомолларнинг йўл кўрсатувчи компаси, ёзув столида турадиган китобчаси бўлиб қолди.

Ильич васиятига содиқ бўлган совет ёшлари бугунги кунда ривожланган социалистик жамият қуришда, ҳаётимизнинг барча соҳаларида катта қаҳрамонликлар кўрсатмоқдалар. Ноқаратупроқ ерларни ўзлаштиришда, Байкал-Амур магистрали қурилишида, Жиззах, Қарши чўлларини ўзлаштиришда, студент — қурилиш отрядларида минглаб ёшларимизнинг актив иштирок этишлари фикримизнинг яққол далилидир.

Т. ТОШПЎЛАТОВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти.

«Узремшина» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Тошкент шина-ремонти заводида кенг кўламда техникa прогресси давом этмоқда. Корхонадаги эскириб қолган дастгоҳлар ўрнини янгилари эгаллаяпти.

СУРАТДА: илғор ремонт-созлаш бригадаси бошлиғи, коммунистик меҳнат зарбдори Адҳам Иброҳимов янги вулканизация-пресслаш дастгоҳини ишга туширнш жараёнида.

М. Нуриддинов фотолари.

ГАЛИНА ВА УНИНГ БРИГАДАСИ

Шаҳримиздаги 4-модалар ателъеси коллективи барча корхона ва ташкилотлар сингари «КПСС XXVI съездига — 26 зарбдор ҳафта» умумхалқ ташаббусига қўшилиб, коммунистлар анжуманини юксак меҳнат зафарлари билан кутиб олиш учун жонбозлик кўрсатмоқда. Айниқса, ателъенинг Галина Попова бошлиқ тикувчилар бригадасининг хизмати таҳсинга сазовордир. Бригада ўтган саккиз ойлик планнни муваффақият билан бажариб, уч ярим минг ўрнига тўрт минг дона эркаклар шимини сифатли қилиб тикиб берди. Бригада сифат бўйича ҳам, план бўйича ҳам пешқадамлик қилиб, ойлик план-топшириқларини ортиғи билан адо этиб келмоқда.

Галинанинг ўзи бригадага раҳбарлик қилиш билан бирга, бичувчиликни ҳам ўзи бошқаради. Ҳар куни унинг қўли остидан 15—16 дона эркаклар шими бежирим бичилиб, тикувчилар қўлига ўтади. Ҳар ойда у 400 ўрнига 420—430 дона шимни сифатли қилиб бичиб беришга эришмоқда. Бригаданинг саккиз нафар аъзоси ателъенинг пешқадамлари сафида меҳнат қилиб келмоқда. Айниқса, «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери Г. Спиридонова ҳамда М. Тимофеева каби қўли гул тикувчилардан мижозлар ҳамиша хурсанд. Улар тикиб берган замонавий моделдаги шимлардан буюртмачиларнинг кўнгли тўқ. Бригада шу кунларда ўзининг беш йиллигининг сўнгги ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. Йиллик план эса бажарилиш арафасида турибди.

— Эришаётган муваффақиятларимиз, — дейди ателье мудири Н. Береговая, — партиямизнинг бўлажак XXVI съездига муносиб меҳнат туҳфамиз бўлади. Бунда ателъеда 1968 йилдан бери хизмат қилаётган Галина Попова ва у бошлиқ бригаданинг ҳам унумли ҳиссаси бор, албатта.

С. САИДОВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ТИНЧ «БУЛУТ»

ЖЕНЕВА. Лозаннада тугаган ҳар йилги «Комптуар свисс» виставка — ярмаркасини салкам бир миллион киши келиб кўрди. Унда Швейцариянинг турли корхоналари ўзларининг сўнгги ютуқларини намойиш қилдилар. Қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари ишлаб чиқарувчи фирмалар ўз маҳсулотлари билан бир қаторда Совет Иттифоқининг «Булут» ракета установкасини виставкада кўрсатишди. «Трибюн де матэн» газетасининг таъкидлашича, дўлга қарши мўлжалланган бу установка ярмарка томошабинларига гоят манзур бўлган марказий экспонатларининг бири бўлди.

Бизнинг серташвиш замонамизда, деб уқтиради Швейцария газетаси, ракета снарядлари билан боғлиқ бўлган деярли ҳамма нарса вайрон қилиш ва қириш учун мўлжалланган. Шу боисдан совет конструкциялари мутлақо тинч вазифани бажариш—далаларни дўлдан ҳимоя қилиш учун яратган ракета системаси айниқса зўр қизиқиш туғдирмоқда. Бундай установка Швейцария соҳибкорлари, богдорлари ва сабзавоткорлари учун ниҳоятда қимматлидир.

ХАТАРДАН САҚЛАНИШ ВОСИТАСИ

САН-ФРАНЦИСКО. АҚШдаги энг катта савдо фирмаси— «Сиэрс Робак энд компани» ўз харидорларига чиндан ҳам ғаройиб хизмат турини таклиф этди. Сан-Франциско ва Калифорниядаги бошқа шаҳарларнинг аҳолиси бир муича ҳақ эвазига полициядаги тажрибали инструкторлар раҳбарлигида кўзни ёшлантирувчи чўнтак баллонидан фойдаланишни ўрганиб олишлари мумкин. Бу восита жиноятчилардан ўзини ҳимоя қилишга мўлжалланган.

«Сиэрс Робак энд компани» вакили фирманинг бу ишини қуйидагича изоҳлади: «Бизнинг янги маҳсулотимиз сизларга бир мунча бўлсада ишонч туйғусини бахш этади, чунки ҳозирги шароитда ўзингизни хавфхатарсиз сезадиган жойни камдан-кам топа оласиз».

Дарҳақиқат америкаликлар ўзини-ўзи ҳимоя қилишнинг мана шундай воситасидан фойдаланмасдан иложи йўқ. Ҳаддан ташқари тез суръатлар билан қучайиб бораётган жиноятчиликдан даҳшатга тушиш «Америкача турмуш тарзи»га жуда хос хусусиятлардан бири бўлиб қолди.

Ялпи даҳшат муҳитининг мустаҳкам асоси бор. Федерал террор бюросининг маълумотларига кўра ўтган йилнинг бир ўзида жиноятчиликнинг умумий даражаси 9,1 процент кўтарилган бўлса, зўравончилик ишлатиладиган аҳолиға оғир жиноятлар 11 процент кўпайди. Ҳозирги Америка «даҳшат ҳукм сурган мамлакат» эканини ҳатто Америкаиинг буржуа матбуоти ҳам тан олишга мажбур бўлмоқда.



Греция ҳукуматининг қарорига биноан Афина Акрополининг атроф-муҳит таъсиридан ҳимоя қилиш бўйича ўн йиллик программа ишлаб чиқилди. Чунки, сўнгги ўн йилликлар мобайнида мрамор бинолар ва ёдгорликлар олдинги йилларга нисбатан атроф-муҳит таъсиридан қаттиқ зарарланган. Ёдгорликларнинг ашаддий душмани Афинада автомобиль газлари, қозонхона ва саноат корхоналаридан чиқадиган тутунлар ҳисобланади.

СУРАТДА: Акрополь дарвозасини қайта ремонт қилиш пайти анс эттирилган. АДН—ТАСС фотоси.

СССРНИНГ БУЮРТМАСИ БИЛАН

ХЕЛЬСИНКИ. «Холлминг» акциячилик жамиятининг Раума шаҳридаги кемасозлик корхонасида «дарё-денгиз» типидаги «Сибир—2110» кемаси Бутуниттифоқ «Судоимпорт» бирлашмасининг вакилларига топширилди. Бу —СССРнинг буюртмаси билан кемасозлик корхонасида қурилаётган шу типдаги ўнта кеманинг биринчисидир.

Мазкур кемалар кўмир, ёғоч, дон, майдаланган тош, контейнерлар ташишга мўлжалланган.

Айни вақтда «Валмет» акциячилик жамиятининг Хельсинкидаги кемасозлик корхонасида совет буюртмаси билан қурилган яна бир кема сувга туширилди. Бу кема катта ҳажмдаги ва оғир юкларни ташишга мосланган.

ҚИШЛОҚДА ТУРМА МУҲИТИ

НЬЮ-ЙОРК. Лейк Плэсидаги Олимпия қишлоғидан қишки олимпиадада қатнашган сўнгги спортчи жўнаб кетган кундан кейин ярим йил ўтар-ўтмас, маъмурлар унинг иккинчи марта —эндиликда турма сифатида очилишн тўғрисида расмий равишда эълон қилдилар. Матбуотнинг хабар қилишича, биринчи маҳбус у ерда жуда яқин кунлар ичида пайдо бўлиб қолиши керак. Турмада 18 ёшдан 25 ёшгача, яъни ёши спортчилар ёши билан тенг бўлган кишилар сақланади. Ана шу спортчилар қишки олимпиада ўйинлари вақтида бўлғуси турманинг камераларида яшашга мажбур бўлишган эди.

Маҳаллий маъмурлар қишлоқни қайта қуриш учун унча кўп ўринганлари йўқ. У аввал бошданоқ турма сифатида барпо этила бошлаган эди. Айрим майда-чуйда ишларнигина қилишга, масалан тор дарчаларга панжара ўрнатишга тўғри келди.

Қишки олимпиада ўйинлари вақтида шу қишлоқда яшаган спортчилар биноларда энг оддий қулайликлар йўқлигидан шикоят қилган эдилар. Икки маҳбус учун мўлжалланган ҳар бир камера хонада уч-тўрттадан киши жойлаштирилганди. Улар тор жойда диққинафас бўлиб қийналдилар, қишлоқда байрам муҳити эмас, балки кишини қайғуга солувчи турма муҳити ҳукм сурди.

МИЛЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

НЬЮ-ЙОРК. Мамлакатдаги энг катта шаҳарнинг негрлар даҳаси — Гарлемда бўлиб ўтган негр адвокати миллий конференциясининг маҳаллий семинари АҚШда инсон ҳуқуқларининг бузилиши, ирқий камситиш, бошқа фикрлардагила р я к шафқатсизларча таъқиб қилинаётганлиги проблемаларига бағишланди. Семинарда шу мўътабар ташкилотнинг Нью-Йорк, Нью-Жерси, Массачссетс, Мэн, Коннектикут, Род-Айленд штатларидаги бўлимларидан келган 100 га яқин таниқли негр юристи, шунингдек негрларнинг бир қанча тараққийпарвар ҳаракатлари вакиллари иштирок этдилар. Ташкилотнинг Нью-Йорк бўлими раиси Ш. Абдас-Саллаам Хоним семинарни очиш пайтида гапириб Американинг негр аҳолиси ашаддий ирқчилик ва полициянинг аёвсиз жабр-зулми азобини тортаётганини айтди. Бизнинг фикримизча, деб таъкидлади у, Америка ҳукумати чет элларда инсон ҳуқуқлари бузилаётганлиги хусусида сохта ғамхўрлик қилмоқда, Аммо Қўшма Штатларнинг ўзида шу ҳуқуқларни мутлақо унутиб қўймоқда.

ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

ҚИЗ КЎНГЛИ

Сунбула кирди. Кечагина ариқларни тўлдириб, шарқираган сувлар тиниқлашиб, ипакдай сузилиб оқа бошлади. Биргина у эмас, табиат ҳам алланечук мулойимлашиб, ўзгача латифлик касб этган.

Қайноқ ёз кунлари ҳар оқшом беш-олти тўй карвони кўчаларни тўлдириб ўтган бўлса, файзли куз айёмлари улар етти-саккизга етади. Осуда тун бағрини тилкалаб таралаётган «Тўйлар муборак» қўшиғининг дилларга беқиёс ҳаяжон садоси ёғоч каравотда ётган Дилдорнинг оромини бузди. «Унинг никоҳ тўйи эртага». Шу хаёлдан унинг бутун борлиғи қақшаб, кўзларига «ғилт-ғилт» ёш келди. Кечагина Дилдорга бахт тилаб қадаҳ кўтарган кимсалар эртага Севарага саодат тилашади. Юрак-бағри лахча чўғдек тутунсиз ёнаётган жувон ёстиқ қучоқлаганча беихтиёр ўтган кунларини бир-бир эслаб кетди.

...Келинойиси Дилдорни қўярда-қўймай Азимжон билан бўладиган учрашувга олиб чиққанда, августнинг сўнгги кунлари эди. Белгиланган манзил сари боришаркан, Муҳаббатхон қайнсинглисига куёв тарафнинг мақтовини роса келдирди. Айтилган вақтдан озгина кечикиб белгиланган манзилга боришганда йигит ўрта яшар бир аёл билан келиб турган экан. Уларга пешвоз чиқишди. Иримига икки-уч оғиз гапиришган бўлишди. Йигит келишган, чиройли эди. Қайта туриб йўл-йўлакай Муҳаббатхон секин сўради:

— Азимжон маъқул дебди. Сиз ҳам йўқ демассиз-а?

— Қайдам,— қиз бир зум жим қолди,— ҳайронман...

— Яна нимасига ҳайронсиз. Ўқимишли, қўлида гулдай ҳунари бор. Ҳуснини қаранг, кимдан кам?— шаддод янга бидир-бидир қилиб шу сўзларни айтди-да, негадир чимирилди: «Ё тавба, кошки ўзи хурлиқо бўлса?». Унинг хаёлидан ўтган фикрни Дилдор ҳам сезди.

Азимжоннинг чиройли йигитлигини бояёқ сезган эди. Гап ҳуснда эмас дейишади-ку, лекин, ҳар қалай... Кишини ноғоҳ ҳовлиқтирадиган нарсанинг бири — бойлик, бири — амал, яна бири — ҳусн-ку, ахир. Икковлари илгаритдан бир-бирларига кўнгил қўйишган бўлса ҳам, бир нав эди. Умуман негадир унинг кўнгли чопмади.

Дилдор кўнглига келган фикрни ётиги билан холасига айтди. Холаси «ўзинг биласан» дебгина қўя қолди. Бу сўзни ўчоқбошида юмуш қилиб юрган Муҳаббатхон ҳам эшитиб, бир пасда «жиз-биз» бўлиб кетди:

— Ўзингиз биласиз, хола, лекин бир нарсани айтиб қўяй. Хоҳ хафа бўлинглар, хоҳ йўқ. Бу тенгиларнинг ҳаммаси бир-икки болали бўлди. Олди ўғил тўйи кўрди. Ҳа, яна пушаймон қилиб юрманглар.

Бу таънани эшитиб Дилдорнинг кўз олди қоронғулашиб кетди. Тўйга қандай розилик берганини ҳам сезмай қолди.

Шу тариқа тўй ҳам бўлди. Лекин кўнгил сезиши деган нарса рост экан. Орадан бир ой ўтар-ўтмас Дилдор эрининг столини йиғиштира туриб кафтдаккина дафтарча ичидан бир сурат топиб олди. Эри Азимжон ёшгина, чиройли бир қиз билан тушган бу сурат бундан тўрт йил муқаддам олинганлиги орқадаги ёзувдан маълум эди. Шу куни эрининг ишдан қайтишини бетоқатлик билан кутди. Эри келгач гап-сўзсиз унинг олдига суратни ташлади. Азимжон бир қизарди, бир бўзарди. Ниҳоят ростига кўчди. Маълум бўлишича, улар бир-бирини севишаркан. Азимжон Севарага киши қўймоқчи эканини айтганда, у «мен оила кўрган одамман, кейин ачиниб юрманг» деб кўнмабди. Азимжон ўз сўзида қаттиқ туриб ота-онасига айтибди. Отаси, айниқса онаси унинг гапини ҳатто эшитишни ҳам хоҳлашмабди. Азимжон жим қолди.

— Кейин бизникига одам юбордингиз, шундайми? — аччиқ кулимсираб сўради Дилдор,— ҳали ҳам яхши кўрарсиз, ахир айтишади-ку, ёшликда берган кўнгил айрилмас бўлади деб.

Азимжон ялт этиб унга қаради. Шу биргина қарашда «ҳа, яхши кўраман» деган маъно акс этди. Муҳаббатсиз оила илдизсиз дарахтга ўхшайди. Унинг емирилмаслигига ким кафил бўла олади. Буни Дилдор аёллик қалби билан тушунди. Тушунди-ю, дод деб юборай деди. Яна истеҳзо қилди:

— Ҳм.. пухта ўйлабсизлар. Сих ҳам куймайди, кабоб ҳам. Вақти келиб Севарахон ҳам дашном эшитмайди, шундайми? Аммо, менинг гуноҳим нима?!

Шу ерга келганда Дилдорнинг сабр тори узилди. Бўғиқ фарёд чекиб каравотга ўзини отди. Шу куни тунни билан тўлғаниб чиқди. Хаёлида бир-биридан кескин, бири-биридан аччиқ фикрлар чарх урарди. Дам ўзини, дам Азимжонни лаънатларди, гоҳ эса ўша беҳаё Севаранинг ишхонасида шармандасини чиқаришни ўйларди. Бироқ, бундан нима фойда?! Оппоқ тонг отганда жувоннинг ранги таг-тагидан синиққан, кўзлари ич-ичига чуқур ботиб кетганди.

Орадан кунлар, ойлар ўта бошлади. Азимжон Дилдорга на кет, на қол деди. Хотинининг бу хонадонда қолиш-қолмаслиги унинг учун фарқсиз эди. Дилдорнинг келинлик назокати-ю, аёллик латофатидан қисқа вақт ичида асар қолмади. Янги келинчаклик кези хушмуомаласи, ширинсуханлиги билан қайнана ва қайнатаси иззат-ҳурматига сазовор бўлган Дилдор энди уларни бир тийинга олмасди. Ахири, бўлмади. Дилдор кўчини ортишга мажбур бўлди. Рост-да, бу бегона хонадонда ким учун яшаяпти, ахир. Азимжоннинг бутун фикри-зикри Севарада эканлигини била туриб, яна ўзини хор қилишга Дилдорнинг ортиқ чидами етмади. Кета туриб қайнанасини гап билан узиб олди:

— Кўнглингиз ўрнига тушдими, ойи. Шу қилган ишларингизни бошқа бирор кимса сизнинг қизингизга раво кўрса, ер титратиб қарғар эдингиз. Танаси бошқа — дард билмас. Сизларга ҳам боққан бало бордир.

— Вой, айланай болам, у ўжарнинг бунчалигини қаердан билай ман. Мен бефаҳм уйланса ўшанисини эсдан чиқарар, оилага бўйин эгар деб ўйладим-да.

Қайнанасининг юм-юм йиғлаб айтган бу сўзлари Дилдорнинг баттар ғашини қўзғади. Қани энди хонадонга ўт қўйиб юборса-ю алангасини томоша қилса. Алам ўтган Дилдор ана шундай телба хаёллар оғушида ўртанарди.

Бу воқеага ҳам мана бир йил бўлибди. Бундан бир йил муқаддамгина у «ёр-ёр» билан кириб борган хонадонга эртага Севара қадам босади. Лекин у Азимжон билан бахтли бўлармикин? Азимжон-чи? Дилдорнинг топталган умидлари, ноҳақ тўкилган кўз ёшлари наҳотки уни зиғиртак бўлса ҳам безовта қилмаса, виждон азобига тушмаса?

Худбинлик иллати одам боласига илашган ёмон иллатлардан бири. Бундай кишилар ўз манфаатларидан бўлак барча нарсага тупурадилар. Азимжон ҳам, Севара ҳам, қолаверса тўйга қиз монандини кўндириб уни бахтсиз қилганлар ҳам шу хислатдан бебаҳра эмаслар.

С. РЎЗИМАТОВА.

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Ўзбекистон Кинематографчилар Союзи правлениеси ва Республика Киночилар Уйи КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш мақсадида бир қатор ижодий режаларни белгилаб қўйган. Шулардан бири Тошкент шаҳар корхона ва ўқув юртлари коллективлари билан фильм яратувчилари учрашувларидир.

Яқинда Комил Ёрматов номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган «Рингга чақирилади» номли янги бадиий фильм кўриги Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика институти талабалари ва ўқитувчилари иштирокида бўлиб ўтди. Йиғилганлар фильм ижодкорлари — сценарий автори А. Бородин, постановкачи-режиссёр Э. Хачатуров, бош роль ижрочиси Руфат Рисқиев ва бошқалар билан учрашдилар.

Маълумки, совет спорти шарафини оламга таратган СССРда хизмат кўрсатган спортчи, бокс бўйича Жаҳон чемпиони ва Монреалда бўлиб ўтган жаҳон спартакиадаси кумуш совриндори Руфат Рисқиев моҳир спортчи сифатида танилган. «Рингга чақирилади» фильми ана шу боксчининг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилади. Машҳур боксчимиз Руфат Рисқиев прототипи Руфат Қудратов ролини спортчининг ўзи ижро этади.

Фильм кўригидан сўнг муҳокамада сўзга чиққан Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтининг ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор С. П. Турсунмуҳамедов, профессор А. С. Агаранян, бокс бўйича СССР Давлат тренери Б. А. Гранаткин ва бошқалар фильм ҳақидаги ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этдилар. Фильм ижодкорлари ўзларининг ижодий режалари билан ўртоқлашдилар.

Таниқли совет графиги, СССР халқ рассоми Борис Ефимович Ефимов 80 ёшга тўлди. Талантли мўйқалам устасининг турли мавзулардаги карикатуралари санъат ихлосмандларига яхши таниш. Уларда социалистик мамлакатимиз душманлари ўткир ҳажв остига олинади.

СУРАТДА: Б. Е. Ефимов. ТАСС фотохроникаси.

МАҚСАД КАТТА БЎЛСА...

(ҲАВАСКОРЛАРНИНГ ҲИКОЯЛАРИ ҲАҚИДА)

Газетхон ёки китобхон бадиий асар ўқиганида албатта, ақлини пешлашни ўйлаб ўтирмайди. Негаки, фикрни бойитиш учун илмий китоблар ўқиш ҳам мумкин. Одатда адабиёт мухлиси асар ўқиганида, унда ўзига ўхшаган одамларнинг тақдирини кўргиси, уларнинг ҳаяжонига шерик бўлгиси келади. Бироқ, худди мана одамлар қисматини тасвирлаш, қаҳрамонлар туйғусига ўқувчини шерик қилиш жараёнида ёзувчи уни нимагадир ундайди. Нимадандир севинишга, нимадандир нафратланишга беихтиёр «мажбур қилади». Агар ёзувчи кўзлаган мақсад қанчалик катта бўлса, ўқувчига айтмоқчи бўлган «дарди» қанчалик салмоқли бўлса, асарнинг таъсири ҳам шунчалик катта бўлади.

Редакцияга келаётган кўпгина машқларда ана шундай катта мақсад йўлида ёзилган изланишларни кузатиш мумкин. С. Облоқуловнинг «Қишлоқлик дўстимнинг онасига ёзган мактуби» ҳикоясида ўқувчига айтилмоқчи бўлган жуда ҳаётий фикр бор. Асар қаҳрамони онасига хат ёзади. Онаси айтиб берган эртакларни эслайди. Онаси ёшлигида яхши ўқигани, Пушкинни севганини, унга мана шу шоирга муҳаббат уйғотган ўқитувчисининг урушда ҳалок бўлгани оғир дард бўлиб хотирасида қолганини — ҳаммасини эслайди. Бу гаплар дастлаб бирмунча китобий, бирмунча ўйлаб топилгандек кўринади. Бироқ, бир ўринда адиб ниҳоятда ҳаётий лавҳани топади. Студент йигит онасига шундай деб ёзади: «Биласизми, онажон, доим мен бир нарсани сизга айтмоқчи бўламану, ҳар сафар уйга борганимда негадир айтмайман. Нега шундай бўлади? Буни тушунтириб беролмайман. Фақат яна Тошкентга қайтаётганимда, йўлда, айтмаганимга пушаймон бўламан. Биласизми, нима демоқчи бўламан? Мен сизга тантиқлик қиламан, лекин мен сизни жуда яхши кўраман, шуни айтмоқчи бўламану, айтолмайман...»

Студентнинг дил рози шу тарзда ёзиладию, яна жўнатилмай қолади. Онасининг тўсатдан вафот этиши унинг кўнглидаги туйғуларни пинҳон ҳолича қолдираверади. Муаллиф ўқувчини ўз онангизга меҳрибон бўлинг, деб чорламайди. Лекин унинг психологик ҳолатидан келиб чиқадиган хулосанинг ўзи одамни шунга ундайди. Гарчанд ҳикояда тил бирмунча ғализ бўлсада, автор ғоят ҳаётий лавҳаларни топа билади.

Баъзи муаллифларнинг машқида эса алоҳида чиройли лавҳаларни кўрсак-да, жиддийроқ бир мақсад йўқлиги билиниб туради. Х. Бегматовнинг «Қўзи гўшти» ҳикояси бунга мисол бўла олади. Муаллиф бир қарашда қизиқ воқеани ҳикоя қилади. Икки чол учинчи ўртоқлариникига ўғирликка боришади. Муаллиф бу вазиятни енгил юмор билан тасвирлайди. Пўлат бобо девордан ошиб тушади. Тилла бобо девор устида пойлаб туради. Қўшнини таниган ит акиллай қўя қолади. Бироқ, боғланмаган қўзи тутқич бермасдан ҳовлига қочади. Чол лўкиллаб унинг кетидан югуради. Шу пайт аксига олиб, ичкаридан уй эгаси — чол чиқиб келади. Пўлат бобонинг капалаги учиб, ўзини молхонага уради. «Калта кечада ҳам ташқарига чиқмай ўл, — деди чол ичида. — Чойни озроқ ичгин эди-да, нашаванд!» Уй эгасини кўриб қолган девордаги Тилла бобо овози борича бақириб юборади.

— Пўлат, қоч! Жонинг бўлса қочиб қол!

Пўлат бобо қаёққа боришини билмай, этаги тоғорага илиниб қолади, тоғора молхонадаги буқанинг бошига тушади. Шохига тоғора илиниб қолган буқа қозиғини суғуриб ўзини ҳовлига отади. Бунақа «олабўжи» буқани кўриб эси оғиб қолган уйнинг эгаси ўзини ташлаб юборади...

Бу эпизодларнинг ҳаммаси ўқувчида беихтиёр кулгу туғдиради. Сиз ўғирликка кирган чолларни ҳам, уй эгасини ҳам айбламайсиз. Аксинча, ёзувчининг мақсади нималигига қизиқа бошлайсиз. Нега энди оппоқ соқолли чоллар ўз танишининг деворидан ошиб ўғирлик қилиб юрибди? Уларнинг мақсади нима? Афсуски, шу ўринда ёзувчининг бирон бир жиддий мақсади йўқлиги аён бўлади. Маълум бўлишича, чоллардан бири ёшлигида ўғри ўтган экан. Сўз устида бировнинг қўйини ўғирлаш ҳақида гап кетибдию, девордан ошиб тушишибди. Хўш, муаллиф бу билан нима демоқчи? Унинг ўқувчига айтмоқчи бўлган мақсади нима? Қолаверса, бировникига ўғирликка тушадиган қанча чолни санаб бера оласиз? Ахир адабиётда типиклик деган нарса шунчаки китобий гап эмас-ку. Наҳотки, орамизда бировнинг молига кўз олайтирадиган кексалар шунчалик кўп бўлса. Аввало уларнинг ўзи борми, ҳаётда? Одатда китобхон бир нарсани ўқиганида унда тасвирланган одамни қаердадир кўргандек бўлиши, қолаверса, қайсидир жиҳатдан уни ўзига ҳам ўхшатиши керак-ку. Х. Бегматовнинг машқида бу саволларнинг биронтасига дурустроқ жавоб топа олмайсиз. Шу тарзда муаллиф айтмоқчи бўлган фикрнинг ўзи ёлғон, бачкана гапга айланиб қолган. Х. Носиров, Ғ. Садиров, А. Неъматов, Г. Маҳмудова сингари қаламкашларнинг машқларида ҳам мана шундай ўйлаб топилган лавҳалар кўзга ташланади.

М. Қурбонованинг «Остонада», «Севги деганлари шумикин», «Гулчи амаки» сингари машқларида ҳаётнинг турли жиҳатларини қаламга олишга интилиш сезилади. Жумладан, «Гулчи амаки» деб номланган қатрада анча ҳаётий воқеа бор. Гулчилик билан шуғулланадиган қариянинг кампири ўлиб кетган. Ёлғиз қизи олис жойга тушган. Отасидан онда-сонда хабар олиб туради. Бу киши тўйга борадими, ўтиришларгами, ҳамма ерга гул кўтариб боради. Одамлар бунга ҳатто кўникиб ҳам қолишган. Ўзи ҳам жуда хушчақчақ, аскиябоз одам. Атрофдагиларни ҳамиша қувонтириб юради. Шу киши тўсатдан вафот этиб қолади. Маҳалла-кўй унинг маъракасига ёпирилиб келади. Тобуткашлар уни катта инсоний дард билан сўнгги манзилга элтадилар. Муаллиф ўз машқининг якунини шундай тугатади: «Қабристонда яна бир янги қабр дўппайди. У ҳақда яхши гаплар, ваъзлар айтилди. Бироқ... Барчага гул улашиб юрган инсон қабрига гул қўйиш ҳеч кимнинг эсига келмади...» Бу хулоса ўқувчини беихтиёр ўйлантириб қўяди. Ҳаёт ҳақида, одамлар қисмати ҳақида ўйлашга ундайди. Киши атрофдагиларнинг қисмати учун масъулдордир, деган фикрни таъкидлагандек бўлади. Бунга ўхшаш анча ҳаётий машқларни Г. Дўсчонова, А. Ҳамидов, Н. Муродов сингари қаламкашларнинг машқларида ҳам кўриш мумкин. Уларда биз ҳаётнинг турли жабҳаларини, турли одамлар қисматини кўрамиз. Истардикки, қаламкаш ўзи олган ҳаётий воқеаларни шунчаки баён қилиб бермай, ўқувчи қалбига ҳаяжон соладиган тарзда туйғуларга бой ички оҳанг билан тасвирласа. Катта мақсад билан қалам тебратса. Шунда асарнинг таъсир кучи ҳам каттароқ бўлур эди.

Н. ҲАМИДОВ.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Н. СОБИРОВА: Ишламаётган ҳомиладор аёллар янгидан ишга киришлари мумкинми? Ишлаб турган ҳомиладор аёллар ишларини ўзгартиришлари мумкинми?

Жавоб: Ишламаётган ҳомиладор аёллар ҳомилаликлари етилиб, кўзлари ёригунга бериладиган 56 кунлик отпускага қадар ишга кириш ҳуқуқига эгалар. Ҳомиладор аёлларга 56 кунлик отпуск улар вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганликлари учун берилади.

Ишлаб турган ҳомиладор аёллар медицина-даволаш муассасаси врачлар меҳнат эксперт комиссияси (ВТЭК) хулосасига биноан иш жойларида енгилроқ иш билан таъминланиш ҳуқуқига эга бўла оладилар.

А. СИДДИҚОВА: Биринчи группа инвалиди ва Қаҳрамон онаман. Врачлар хулосаси билан менга мотоколяска берилса, қанча сўм тўлайман? Мотоколяскани турмуш ўртоғим бошқарса бўладими?

Жавоб: Аввало, мотоколяска уни олиш учун медицина хулосаси бўлган ва ўзи ҳайдай оладиган кишиларга берилади. Мотоколясканинг умумий суммаси 1000 сўм, инвалидлар учун — 200 сўм.

Р. ҚЎЙМУРОДОВ: Совет Армияси сафидаги хизмат бурчимни ўтаб қайтгач, ТошДУ тайёрлов бўлимига кириб ўқиш ниятим бор. Тайёрлов бўлимига қабул қилиш қоидалари, керакли ҳужжатлар ва адреси тўғрисида маълумот берсангиз?

Жавоб: ТошДУнинг кундузги тайёрлов бўлимларига ўрта мактабни тамомлаган илғор ишчилар, колхозчилар ва СССР Қуролли Кучлари сафидан запасга бўшатилганлар, саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт ва алоқа ташкилотлари, геология-қидирув ташкилотлари, совхозлар, колхозлар ва ҳарбий қисмлар қўмондонларининг йўлланмалари билан қабул қилинадилар. Тайёрлов бўлимига кириш учун тавсияномалар камида бир йил узлуксиз ишлаганларга берилади. Ҳужжатлар бошқа институтлар қатори, қурувчилар билан шу йил 20 ноябрдан бошлаб суҳбат ўтказилади.

ТошДУ тайёрлов бўлими: Тошкент ГСП, 700095, Студентлар шаҳарчаси, биофакнинг янги корпуси.

А. САМАДОВ: Т. МАХМУДОВ, Ҳ. СОЛИЕВ: Бизни Москва юридик институти қизиқтиради. Шу институт ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Москвада Бутуниттифоқ юридик сиртқи институт бор. Институтда ҳуқуқшунослик, Совет қурилиши ва бошқа ихтисослар тайёрлайдиган факультетлар бор. Институтга кириш 1980 йилги қоида бўйича ва иш стажига эга бўлиш, иш жойидан тавсия олиш керак. Қўшимча маълумотлар қуйидаги адресдан олинади:

107005, Москва-Б-5, Старокирочний переулок, 13-уй. Бутуниттифоқ юридик сиртқи институт.

Ж. РАУФОВ: Бошқа шаҳарлардаги меҳмонхоналардан жой брон қилиш учун қаерга мурожаат этиш керак?

Жавоб: Сиз Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектидаги 35-уйда жойлашган «Сервис» агентлигига мурожаат қилишингиз мумкин. Бу ерда қайси шаҳарлардаги меҳмонхоналардан жой брон қилиш мумкинлигини айтишади ва буюртмалар қабул қилишади.

Сиз 41-80-15 телефони орқали бу ҳақда тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Ҳозир меҳмонхоналарида жой брон қилиш мумкин бўлган шаҳарлар сони 140 тадан ошди.

✦ ФАРЗАНДЛАРИНГИЗГА ЎҚИБ БЕРИНГ

ГУЛ ВА СОАТ

(ЭРТАК)

Бир вақт дераза тагидаги идишда ўсиб ётган Вўтагул ташқаридан келган қўл соатига қараб:

— Соатжон! Кўчада юз берган воқеалардан хабардорсиз, албатта. Лекин боя меҳмон бўлиб келган опадан эшитганимдай ҳодиса сизга ҳам учрадимикан, шу ҳақда фикрингизни билмоқчи эдим,— дебди.

— У қандай ҳодиса экан, сўзланг сингилжон, эшитаман! — таъзим қилибди соат.

— Айтганларига қараганда шаҳарнинг бир бурчида, булбуллар орасига оралаб қолган бадфеъл қарғага ўхшаган бир шум бормиш. Ортиқча эркалатиб юборганлари учунми ёки аслида шундай ном берилганми, ҳайтовур исми Эркатилло экан. Заҳар сўзи, бебош қилиғидан тўйганлар уни кўрсалар ўзларини четга оладиган бўлишибди.

Эркатилло эса:

— Ўртоқларимнинг мендан қочишига сабаб кийимим ола-була эмас, транзистор, енгил машина олиб бермаганларингдан, олиб бериб «обрўйимни оширинглар!» — деб сўкиниб йиғлаб, дўқ уриб, ота-онанинг аҳволини танг қиларкан. Икки баҳо олиб муаллимдан гап эшитса ҳам, қайтиб ота-онага заҳрини сочаркан. Ота-она бечора унинг «ғиш-ғиш»лари таъсирида тез қариб, сочлари қордай оқариб кетибди. Ўғилларининг оғзи шалоқ, безори, текинхўрлиги орқасида қўшнилардан ҳам койиш эшитадиган бўлибди, ҳатто у бир қизчанинг сумкасига чанг солиб ичидаги пулини тортиб олиш пастлигигача бориб етибди! Сеҳргар уни койиган экан, Эркатилло:

— Хе, йўлингдан қолма, насиҳатингни ўзингга қил! — деб ўдағайлабди.

Шу ёшга етиб ҳали ҳеч кимдан бунақа адабсизликни кўрмаган сеҳргар ғазабланиб:

— Кишилар оёғига ўралашиб, юришларига, яшашларига ҳалақит бермай бир четда ётганинг маъқул!— дебди-да, уни ҳарсанг тошга айлантириб қўйибди.

У бир четда мастифлос каби ағанаб қолиб кетибди. Лекин кунларнинг бирида сеҳр муддати тугаб яна «одам»га айланиб атрофга кўз олайтирибди. «Қочавер, яна тирилди!»— деб ёш болалар четга қочишибди. Унинг келаётганини эшитиб ота-онаси ҳам кўчларини машинага ортиб бошқа томонга кўчиб кетишибди.

Эркатилло ота-онасини ахтариб топа олмай эълонлар ёзиб кўча деворларига ёпиштира бошлабди: «Отам Шафқат хўжа ва онам Раҳимахонлар мендай беозор, касалманд болаларига раҳм қилмай мени ташлаб, калхатдан қочган жўжадай писиб яширениб юришибди. Уларнинг оёқ-қўлларини боғлаб менга тутиб беришларингизни сиздан қатъий талаб қиламан.

Олғирларнинг энг зўри: Эркатилло! (лақабим Темир тирноқ).

Адресим терак тагида. Кечаси соат учгача ўша ердаман».

Ота-она билсаларки, Эркатилло уларни яна топмоқчи, эшак қилиб минмоқчи! Хавотирга тушиб, чора қидира бошлашибди. Шафқат хўжа айтибди: «Яхшиси исм-фамилиямизни ўзгартирайлик. Зора бизни сўроқлатган билан топа олмаса». Лекин барибир Эркатилло уларни ҳар ердан қидириб юрганмиш!

Гул соатдан сўрабди:

— Наҳотки шундай бефаросат, Эркатилло дунёда бор жонли зот бўлса? Бу ҳақда қандай фикрдасиз?

— Астойдил ўқиб ёки ғайрат билан ҳалол ишлаб чин обрўга эришганлар акси ўлароқ, алдаш, текинхўрлик орқали обрўни қўлга киритишни истаган шунақа бефаҳм Эркатиллолардан бир-иккитасини мен ҳам кўрганим бор!— дебди Соат, — Улардан нафратланаман. Лекин... Эгам Ҳикматулло тамом бошқача йигит, ғайратли, ишсевар, одамшаванда. У мендаги ҳар минут-секунднинг қадрига етади, барча уни ҳурматлайди. Ҳикматуллонинг эмас, Эркатиллонинг қўлида бўлсам борми?.. Ҳай-ҳай, уят, ор-номусга қолиб оламда бош кўтариб юра олмасдим!...

— Мен ҳам унинг ғамидан тўзиб битардим! Қаранги, ота-она, узоқ яқинларгина эмас, буюмлар ҳам эгалари ёмон бўлса нафратланиб, одобли, ишчан бўлса, фахрланарканлар!

Турғунбой ҒОИПОВ.

«Бахтли болалигимиз учун партияга минг раҳмат!».

М. Нуриддинов фотоэтюди.

● МАСЛАҲАТЛАРИМИЗ

ЭСИНГИЗДА БЎЛСИН...

● Алюмин идишга ёпишиб қолган қора доғларни сиркага ботирилган пахта билан артиб, кейин ювиб ташласангиз топ-тоза бўлади.

● Озроқ миқдордаги сабзавотларни намакобда сақласангиз сўлимайди.

● Анор кесгандан ва картошка арчигандан кейин қўлингиз қорайиб, доғ бўлиб қолмаслиги учун тезда совуқ сувда совунлаб ювинг.

● Сўлиб қолган кўк пиёз, кашнич, укроп ва ҳоказоларни сиркали сувга ботириб қўйсангиз «тирилиб» кетади.

● Қозонни овқат пиширишдан олдин қиздириб, сўнгра масаллиқ солинг. Қизиган қозон баъзи микроблардан тозаланади.

● Жиғилдон қайнаганда сабзи, турп, карам каби сабзавотлардан ейиш керак.

● Тозаланадиган балиқни иссиқ сувга бир ботириб олсангиз, тангачалари осонлик билан кўчади.

● Пиширилмаган қиймани татиб кўриш ёки нон теккизиб ейиш зарарли, бунда гижжа ва бруцеллёз микроблари бўлади.

● Мурабболарни ёғли идишга солиб сақланса шакар боғлаб, қумоқ-қумоқ бўлиб қолади.

ЯХШИ ДАМ — МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

ИШЧИЛАР — БОҒ МЕҲМОНИ

Сергели районидаги «Коммунистик шанбаликнинг 50 йиллиги» номли маданият ва истироҳат боғи меҳнаткашларнинг севимли оромгоҳларидан бирига айланган. Дам олиш кунлари, айниқса, бу ер гавжум бўлади. Теннис павильони, болалар учун аттракционлар, ўйин автоматлари зали, танца майдони, кафе дам олувчилар хизматида.

Турли корхоналарнинг илғорларини шарафлаш, меҳнат байрамлари, ветеранлар билан ёш ишчиларнинг учрашуви сингари тадбирлар тез-тез ўтказилиб турибди. Жумладан, металлурглар куни, қурувчилар куни ана шундай катта тантана билан нишонланди. Куни кеча эса бу ерда «Меҳнатга шон-шарафлар!» деб номланган кеча ўтказилди. Унда ўндан ортиқ корхона ишчилари иштирок этдилар. 13-кўприксозлик отряди, Октябрь 50 йиллиги тикувчилик фабрикаси, қуёшдан ҳимоя мосламалари заводи, «Узвторцветмет», «Спецмебель» корхоналари шулар жумласидандир. Кечада ветеранлар, ишчи сулолалари вакиллари ўз тажрибалари, коллектив қўлга киритаётган ютуқлар ҳақида гапириб бердилар. Шундан кейин ёш ишчиларга тантанали суратда меҳнат дафтарчалари ва эсдалик совғалари топширилди. Йиғилганлар район маданият уйлари ҳаваскорлик коллективларининг чиқишларини томоша қилдилар. Кичкинтойларга эса қўғирчоқ театри спектакли намойиш этилди.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

ЧЕМПИОН АНИҚЛАНДИ

Пойтахтимизнинг республика карлар жамиятининг Маданият саройида хотин-қизлар ўртасида шахмат бўйича VIII СССР чемпионати ниҳоясига етди.

Бу мусобақада Совет Иттифоқининг турли шаҳарларидан келган ана шундай жамиятларнинг 16 аёл шахматчиси иштирок этди. Турнирда 1977 йил чемпиони, москвалик биринчи разрядли шахматчи Л. Россинская, Қозоғистон чемпиони Г. Гербер, Ленинград чемпиони Е. Оберина, РСФСР чемпиони О. Есипова ва бошқа бир неча кучли I ва II разрядли шахматчилар қатнашдилар. Чемпионатнинг бошланиши билан москвалик шахматчи Л. Киреева пешқадамликни қўлга олди. У чиройли, комбинацион ўйинлар кўрсатиб, бирорта ҳам мағлубиятга учрамай, 15 имкониятдан 14,5 очко тўплаб, чемпионлик унвонига сазовор бўлди. Москвалик СССР чемпиони Л. Россинская 14 очко тўплаб, иккинчи ўринни эгаллади. Ленинградлик шахматчи Е. Оборкина 11 очко тўплаб, бронза медали совриндори бўлди. Ригалик Я. Бочкане ва одессалик А. Хрулевалар 10,5 очко, донецклик В. Филатова 9,5 очко, минсклик Н. Логинова 9 очко тўплаб кейинги ўринларни эгалладилар. Ҳамшаҳаримиз, II разрядли шахматчи В. Сафонованинг мусобақада омади келмади. Махсус совринларни 1—5 турда яхши қатнашганлиги учун коэффициент бўйича Л. Россинская, охирги 5-турда муваффақият қозонгани учун Л. Киреева энг чиройли комбинацион ҳужумкорлик ўйинлари учун Е. Оборина махсус совринни қўлга киритдилар.

Ғолиблар ВЦСПСнинг медаллари ва дипломлари билан мукофотландилар. Кейинги IX СССР чемпионати 1983 йилда ўтказилади.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.



СУРАТДА: 1-разрядли шахматчи Л. Россинская (Москва).

В. Парамонов фотоси.

ОЛДИНДА — МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ СПАРТАКИАДАСИ

Ёш боксчиларнинг «Умид» кубоги учун Бутуниттифоқ турнири Урганчдаги Р. Юсупов номли область пионер ва ўқувчилар саройида бир ҳафта давом этди. Унда Москва, Украина, Ўзбекистон, Озарбайжон, Арманистон, Туркманистондан юздан зиёд мактаб ўқувчиси иштирок этди. Мусобақаларда ғолиблар, шунингдек мактаб ўқувчиларининг 16-Бутуниттифоқ спартакиадасида қатнашиши учун терма командага номзодлар аниқланди. Спартакиада келаси йили Каунасда ўтказилади.

Ўн тўрт вазн категориясидан ўн иккитасида биринчиликни эгаллаган Ўзбекистоннинг ёш боксчилари ғолиб чиқдилар. 60 килограммгача вазндаги боксчилар беллашувида қатнашган нукуслик мактаб ўқувчиси Тулибой Иброҳимов турнирнинг энг маҳоратли боксчиси деб топилди.

(ЎзТАГ).

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/X да **Нодирабегим**, 3/X да **Шошма, нуёш**, 4/X да **Абу Али ибн Сино**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2/X да **Нурхон**, 3/X да **Гўйдан олдин томоша**, 4/X да **Хўжайин**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Москва цирки артистларининг гастроллари** (19.30).

КИНО

2 ОКТЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ХАЁТ ГЎЗАЛ» — **К. Ерматов номли** (тоқ соатларда, телефон 34-22-66).

«ШАҲАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИМ» — **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда), **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

«ИЛК БОР ТУРМУШГА ЧИҚЯПМАН» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).

«СЕРЖАНТ ЦИБУЛЯНИНГ ДАЛА САФАРИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

3 ОКТЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ПЕТРОВКА, 38» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).

«ШАҲАР ҚАБУЛ ҚИЛДИ» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

«ИЛК БОР ТУРМУШГА ЧИҚЯПМАН» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).

«СЕРЖАНТ ЦИБУЛЯНИНГ ДАЛА САФАРИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«АГАР БУ СЕВГИ БЎЛСА-ЧИ?» — **Искра** (16, 13, 19.45, телефон 39-11-76).

12-қурилиш трестининг
50-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА
ғишт терувчилар, дурадгорлар, электр пайвандчилар, монтажчилар, бетончилар, ёрдамчи ишчилар
КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли.

Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — Аҳолини ишга жойлаштириш бюроси.

А. Икромов районидаги 77-ўрта мактаб томонидан **Курбонова Дилором** номига берилган саккизинчи синфни тугатганлиги тўғрисидаги 018655 номерли йўқолган

ГУВОҲНОМА
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

4 ОКТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

СССР халқ артисти, Ўзбекистон ССР Ҳамза номидаги Давлат мукофотининг лауреати

ШУКУР БУРҲОНОВ

ТУҒИЛГАН КУНИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ КЕЧА ЎТКАЗИЛАДИ

Кириш таклифномалар билан.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР алоқа министрлигининг
ТОШКЕНТ ШАҲАР РАДИОЭШИТТИРИШ ТАРМОҒИ
ҚУЙИДАГИ АДРЕСГА ЖОЙЛАШГАН:

Тошкент шаҳри — Е — 17, Сулаймонова кўчаси, 31-уй, 9«а»-корпус (В. И. Ленин номли майдон метро станцияси). Телефон 33-71-01.

Радиоэшиттириш точкасини ўрнатиш учун ёзма равишда ариза шахсан келтирилиши ёки почта орқали юборилиши керак.

Радиоэшиттириш точкаси бузилганлиги ва уни ремонт қилиш учун заявкалар қабул қилиш учун радиоэшиттириш тармоқларини тузатиш бюросида иш кечаю-кундуз ташкил этилган. Телефон 33-17-10.

Радио эшиттириш тармоғи баланд овозда гапирадиган репродукторларни ўрнатиб бермайди ва ремонт қилмайди, уларни «Маданий моллар» магазинларидан харид қилиш мумкин.

Уч программали баланд товушда гапирадиган репродукторларни Ленин районидаги (Кафанов кўчаси, 65-уй, Госпитал бозори тўғрисида). **«Зангори экран» тузатиб беради. Телефон: 56-68-75.**

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

КУЙБИШЕВ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

аппаратчилар, навбатчи ремонтчи-слесарлар, электромонтёрлар, станок ишчилари, юкчилар, ёрдамчи ишчилар, транспортга юк ортувчилар, кадоқловчилар.

Елғизлар ётоқхона билан таъминланади. Зарарли меҳнат шароитида ишловчилар имтиёзли шароитда пенсияга чиқадилар.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

бичиқчилар, тайёрловчилар, қолипга тортувчилар, ремонтчи-слесарлар, газ пайвандчилар, токарлар. Елғизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

КУЙБИШЕВ РАЙОН УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА

ошпазлар, сотувчилар, буфетчилар, бухгалтерлар.

КИРОВ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

сигарет агрегатлари машинистлари, сигарет агрегатлари машинист-регулировкачиларининг шогирдлари. Елғизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЛЕНИН РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

куювчилар, фрезерчилар, металл тозаловчилар, электр монтажчилар, йиғувчи-слесарлар, автоматчилар, электрослесарлар, омборчилар.

1-ТРАМВАЙ ДЕПОСИГА

трамвай ҳайдовчилар, пневматик ускуналар бўйича слесарлар, темирчилар, бўёқчилар, дурадгорлар, ускуналар ремонти бўйича слесарлар, кондукторлар, контролёрлар. Елғизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ТОШКЕНТ АБРАЗИВ КОМБИНАТИГА

бош бухгалтерлар, прессчилар, ремонтчи-слесарлар, электр монтёрлар, токарлар, темирчилар, қолипчилар, юк туширувчилар, газ-электр пайвандчилар. Елғизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ — Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Хасанова кўчаси, 3-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. РАХИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — 22-квартал, 13-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — Совет Армияси майдони, район ижроия комитети.

КУЗ МАВСУМИГА

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИ

ПОЙТАХТИМИЗ АҲОЛИСИ ВА УНИНГ МЕҲМОНЛАРИГА ЯХШИ ТАНИШ

ҲАР КУНИ БУ ЕРГА САВДО ҚИЛГАНИ БИР НЕЧА МИНГ ХАРИДОР КЕЛИБ КЕТАДИ.

ЦУМда аёллар учун кенг ассортиментда: кримплен, трикотиндан тикилган кўйлаклар билан савдо қилинмоқда. Уларнинг моделлари ва ранглари шунчалар турли-туманки, улар орасидан ўз дидингизга ва ёшингизга бирмунча мувофиқларини танлаб олиш унчалик қийинчилик туғдирмайди. Кўйлакларнинг размерлари — 44—52. Баҳоси — 65—70 сўм;

Катакли шерсть ва жинси газмолидан тикилган юбкалар.

Размерлари 44—52. Баҳоси — 25—28 сўм;

ярим шерсть газмолидан тикилган костюмлар. Размерлари 46—52. Баҳоси — 85—90 сўм;

Паралонли кримплен ва мовут (ҳаворанг, кўк рангдаги)дан тикилган мавсумий пальтолар. Размерлари 48—50. Баҳоси — 100—150 сўм;

мўйна ёқали қишки пальтолар. Размерлари 52—56. Баҳоси — 250—330 сўм;

ЭРКАКЛАР УЧУН:

узун енгли, кўчалик ва ҳар куни кийиладиган, синтетик ва ип-газламалардан тикилган кўйлаклар. Размерлари 38—43. Баҳоси — 9 сум 55 тийин, 10 сўм, 15 сум 85 тийин. Охунбобоев номли Қўқон тикувчилик фабрикаси маҳсулоти.

Турли модел ва рангдаги плашчлар. Размерлари 48—65. Баҳоси — 60—90 сўм.

Мамлакатимиз фирмалари ва ПХР, ЧССР, РСР корхоналари ишлаб чиқарган;

Сунъий мўйна ва уқасиз ёқа ўрнатиб болонья газмолидан тикилган куртқалар. Размерлари 44—60. Баҳоси — 32 сўм ва 50 сум, Самарқанд тикувчилик фабрикасининг маҳсулоти. Катакли ва сидирға ранг мовут газмолидан тикилган пальтолар. Размерлари 44—60. Баҳоси — 80 сўмдан 170 сўмгача;

оч сариқ рангдаги қалпоғи билан шерсть газмолидан тикилган пальтолар. Размерлари 48 — 56. Баҳоси — 60—90 сум. Руминия маҳсулоти.

Трикотаж маҳсулотлари ҳақиқатда ҳамманинг эътиборини қозонган: улар ғижимланмайди, осонгина тозаланади. Кийиш учун қулай ва бежирим. Агарда Сиз куз ва қиш учун иссиқ кийимлар сотиб олишни истасангиз ЦУМнинг трикотаж секцияларига савдо қилгани келишингиз мумкин.

Бу ерда: жакетлар, жемперлар, костюмлар, блузкалар, спорт костюмлари, эркакларнинг жакетлари, свитерлар, спорт шимлари мавжуд.

ЦУМдан Сиз чунончи кузлик-қишлик пойафзаллар (Тошкент ва Қўқон пойафзал фабрикаларининг маҳсулоти) ҳам харид қилишингиз мумкин.

Эркакларнинг лакланган енгил таглик қора ранг ботинкалари, турли модел ва фасонлардаги эркакларнинг ярим ботинкалари, паст пошналик, сунъий чармдан тикилган аёлларнинг этиклари, эркаклар ва аёлларнинг уйда кийиладиган туфлилари, миллий калишлар, аёллар ва эркакларнинг мовут этиклари.

...Дарахтларнинг сарғайган япроқлари, эсиб турган изғирин шамол, қора булутлар босиб келаётган осмон, онда-сонда томчилаб қуяётган ёмғир куз ҳокимлиги бошланаётгандан дарак бермоқда. Қаттиқ совуқлар бошланганда шошиб қолмаслик учун олдиндан барвақт кузлик-қишлик гардеробингиз ҳақида қайғуришингизни маслаҳат берамиз.

ЦУМ.

СОАТЛАР — БУ АНИҚ ВАҚТ,

СОАТЛАР — БУ ЗАРУРИЯТ,

СОАТЛАР — БУ БЕЗАК.

«СОАТ — БУ РЕЖА» ДЕЙМИЗ. СОАТСИЗ БИЗ БИР КУН ҲАМ ЯШАЙОЛМАЙМИЗ. УЛАР БИЗГА ТУРМУШДА, ИШДА АНИҚ БИР РЕЖА БИЛАН ЯШАШИМИЗДА ЁРДАМ БЕРАДИ.

Кийим-кечаклар каби соатлар учун ҳам мода мавжуд. Мода соатларнинг янги формаларини, ҳажмини, соат миллари жиҳозланишларини таъкидлаб туради.

Ҳар йили Минск, Пенза, Москва, Углич соат заводлари конвейерларидан миллионлаб дона соат тушади. Соатларнинг ҳар бир маркаси ўнлаб жиҳозланиш вариантларига эга: думалоқ, чўзиқ, тўғри тўртбурчакли, квадрат шаклдаги, оқ, ҳаворанг, пушти ранг, кўк ранг, жигарранг милли, корпуслари хромланган ёки тилла суви юритилган. Бу соатлар ҳар қандай дидга мос тушади, модада, чиройли безатилган.

«Заря» бу соатларни Пенза соат заводи ишлаб чиқаради. «Заря» бир қанча вариантларга эга.

Аёлларнинг «Заря» қўл соатларининг бир неча турлари мавжуд: сув ўтказмайдиган, чангдан ҳимояловчи чўзиқ ва квадрат шаклидаги корпусли, зарбга қарши қурилма билан жиҳозланган.

Эркакларнинг «Заря» соати тўғри тўрт бурчакли, мили думалоқ тилла суви юритилган, корпуси чангдан муҳофазалайди.

Аниқлик, пишиқлик, гўзаллик — Минск соат заводи ишлаб чиқараётган «Луч» соатлари ана шундай аъло сифати билан довруғ қозонган.

«Луч» маркали соатларни фақат бизнинг мамлакатимиздагина эмас, Болгария, Польша, Франция, Панама, Бразилия, Венгрия, Руминия, Чехословакия, Англия, ГДР, Югославия, Куба ва бошқа чет эл мамлакатларида ҳам қониқиш билан харид қиладилар.

Чўзиқ милли, корпуси олти қиррали аёлларнинг «Луч» соатлари жуда чиройли жиҳозланган. Бу соатлар автоматик равишда буралиб, айни вақтда вақт календарига ҳам эгадир.

Углич соат заводи ишлаб чиқараётган «Чайка» ва биринчи Москва соат заводи ишлаб чиқараётган «Полет» соатлари ҳам ўзининг яхши жиҳатлари билан ажралиб туради.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

СИЗЛАРНИ ГУМ-ГА, СОАТЛАР СЕКЦИЯСИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!



ГУМ
«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

Ю. А. ГАГАРИН НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎРТА МАКТАБ БАЗАСИДАН

КЕЧКИ БЎЛИМГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

самолётсозлик, металлга қирқиб ишлов бериш, машинасозлик саноати корхоналарида планлаштириш.

Ўқув муддати — ихтисосликка қараб, 3 йилдан 3,5 йилгача.

Аризалар (қабул комиссиясидаги махсус бланкада) **техникум директори номига қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширилади:** маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, медицина справкаси (286-форма), 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмда), меҳнат дафтарчасидан кўчирма.

Паспорт ва ҳарбий билет (қайд этилганлик тўғрисида гувоҳнома) **шахсан кўрсатилади.**

Аълочи ўқувчилар, медаль олган ва қабул имтиҳонига киритилган фанлардан (ўрта ҳунар-техника билим юрти аълочилари) мақтов қоғози бўлганлар, шунингдек, СССР Қуролли Кучларининг офицерлари, прапоршчиклар ва мичманлар, соғлиғи, ёши туфайли ёки штат қисқариши билан запасга бўшатилганлар 2 йил муддат ўтгунча имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Қолганлар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳони топширадилар: рус тили (ўзбек тили) ва адабиёт (иншо), математика (оғзаки).

Аризалар 15 ноябргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари — 15 ноябрдан 20 ноябргача ўтказилади.

Қабул комиссияси ҳар куни соат 12.00 дан 19.00 гача ишлайди.

Бизнинг адрес: 700006, Тошкент шаҳри, Куйбишев кўчаси, 12-уй (48-автобуснинг «Революция хиёбони» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
84-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

темир йўл транспортида ва Тошкент метрополитенида автоматик ва телемеханик қурилмаларнинг электр монтажчилари ихтисослари бўйича

ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Совет Армияси сафида хизмат муддатини ўтаб қайтганлар таклиф қилинади. Улар учун 6 ойлик ўқишга группалар комплектлаштирилмоқда.

Ўқувчилар ўқиш даврида ойига 90 сўм ҳажмида стипендия ва бепул овқат билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида стипендияга иш ҳақининг 50 проценти қўшиб берилади. Иш ҳақи — ишбай-мукофотли.

Тариф ставкасининг 50 проценти ҳажмида устама тўланади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқишни тамомлаганлар Бутуниттифоқ «Транссигналстрой» трестининг ихтисослаштирилган қурилиш-монтаж ташкилотларига ишга юбориладилар.

Практика ва иш даврида махсус коржома ва турар жой билан таъминланадилар. Меҳнат отпускаси вақтида темир йўлда ўзига қарашли бир киши билан бепул саёҳат қилиш учун имтиёз берилади. Иш жойидан (доимий иш жойидан) навбат билан квартира берилади.

Машғулотлар — группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, аттестат ёки маълумоти тўғрисида шаҳодатнома, турар жойидан медицина (286-форма) справкалари; паспорт, ҳарбий билет, меҳнат дафтарчаси, 4 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

Мурожаат учун адрес: 700074, Тошкент шаҳри, Слоним кўчаси, 114-уй (8, 15, 23, 26, 61 автобусларнинг «Иззат» бекати). Телефон 96-17-61.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

2 ОКТЯБРЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Ю. Казаков. «Ҳикоялар». 20.00 Спорт программаси: Футбол бўйича УЕФА кубоги учун. «Динамо» (Москва) — «Локерен» (Бельгия). 2-тайм. «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. «Левски-Спартак» — «Динамо» (Киев), 2-тайм. Болгариядан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Биргалашиб куйлайлик дўстлар». Музикали программа. Танаффус пайтида (23.00) — «Дунё воқеалари».

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Ешлик» студияси кўрсатади. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига тавсия этилганлар. 19.00 Енгил атлетика бўйича СССР чемпионати «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж (1 октябрда ёзиб олинган). 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Фан» программаси. «Халқ хўжалигида ядро физикасининг қўлланилиши» (рус.). 20.15 «Атлас». Телевизион ҳужжатли фильм («Ўзкинохроника»). 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармониясининг солистлари Ф. Солиҳов ва О. Отажонов концерти (такрорий). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.25 «Совет киноси усталари». СССР халқ артисти Шукур Бурхонов туғилган кунининг 70 йиллигига. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Эстетика асослари. «Фожиалилик ва кулгилилик». 21.05 «Қаҳрабо дон» ҳақида сўз». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.20 «Беш йилликнинг якунловчи йилига зарбдор меҳнатимиз». 21.50 «Ўзбекистонда совет музикасининг Бутуниттифоқ фестивали. Эстония ССР Давлат академик эркаклар хорининг концерти. М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясининг концерт залидан трансляция пайтида ёзиб олинган.

3 ОКТЯБРЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 Москва мактаб ўқувчилари совет шоирларининг космос ҳақида ёзган шеърларини ўқийдилар. 10.35 «Киносаёҳатчилар клуби». 11.35 «Халқ ижодиёти». Телевизион кўрсатув. 12.20 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.00 М. Мусоргский. «Кўргазмадаги расмлар». 16.40 «Звездочёт». Тележурнал. 17.25 «Москва комсомолининг ишлари». 17.55 С. Есенин лирикаси. Шоир туғилган кунининг 85 йиллигига. 18.25 «Орлёнок» телестудияси ёш мухбирларининг Калининград шаҳридаги 27-ҳунар-техника билим юрти директори А. С. Калабалин билан учрашуви. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Қалбга яқин қўшиқлар». 20.20 «Крошнинг таътиллари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Нима? Қаерда? Қачон?». Телевизион викторина. 23.05 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 «9-студия». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. С. Зорин олиб боради. 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Ўн етти ёшлилар». 2-кўрсатув. «Салом, 10-А!». 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Дубровский ва Троекуров» (А. С. Пушкиннинг «Дубровский» повести асосида). Рус адабиётидан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Дилдан куйлаб, уяна қувнаб» (такрорий). 13.00 «Катталар ва болалар». Бадиий фильм. 18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». 19.00 КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ! «Хўжалик механизмини такомиллаштириш». Кўрсатувни «Экономика ва жизнь» журналининг бош редактори Н. П. Ковинев олиб боради (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Бир актёр театри». У. Ҳошимов. «Қуёш гаровиси» 20.30 «Ахборот» 20.50 С. М. Киров номли Ўш музикали драма ва комедия театрининг солистлари, Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар О. Шабдонова ва Т. Бадинов концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 КПСС XXVI съездига бағишланган Иттифоқдош республикаларнинг телевизион фестивали. Эфирда — Латвия телевидениесининг программаси. 00.10 Кўрсатувлар программаси.

«Ташкентвино» комбинатига савдо ташкилотларидан виноарок ичимликларидан бўшаган шиша идишлар ва яшчикларни қабул қилиб олиш учун берилган 17266 номерли йўқолган

КВИТАНЦИЯЛАР
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар «Союзпечать» агентлиги коллективи агентлик ходими Ҳ. Холдоровга акаси

Эргаш ХОЛДОРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар партия турмуши — 32-53-66, саноат 32-53-83, қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83, совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10, адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42, нашриёт диспетчери 32-78-94, нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

2 ОКТЯБРЬ, 1980 й. Р. 03259. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б — 2198.